

Xabar

13
(810)-son

28-mart

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2008

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

● Алоқа оламида: **ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК!** ●

Симсиз алоқа бўйича халқаро провайдер Telenor (Норвегия) компаниясининг маълум қилишича, йўловчи ташувчи авиалайнер бортида илк маротаба мобил қўнғироқ амалга оширилган. Дубай-Касабланка йўналишида кузатилган бу воқеа AeroMobile борт коммуникация тизимининг муваффақиятли жорий этилиши маҳсули бўлди.

Маълум қилинишича, Telenor ва ARINC компаниялари қўшма корхонаси томонидан чиқарилган ушбу маҳсулот парвоз чоғида уяли телефон ҳамда маълумот узатиш мобил хизматларидан мунтазам ва беҳавф фойдаланишни таъминлайди.

Ихтиро



Вазни бор-йўғи 1,2 кг, истеъмол қуввати 25 вт. бўлган 12 волтли электр сув насоси бир литр сувни бир сонияда 3 метр баландликка чиқариш қувватига эга ёки бошқача қилиб айтадиган бўлсак, канализация кудуғидаги бир кубометр сувни 16 дақиқага қолмасдан чиқариб ташлайди.

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

ёхуд 12 волтли электр сув насоси ҳақида

2007 йилги «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги энг яхши ихтиро ва рационализаторлик таклифи» республика танловида «Наманган Телеком» филиали директори Жамолiddин Якубаев ва техник эксплуатация лабораторияси муҳандиси Усмонжон Исмоилов «12 волтли электр сув насоси» рационализаторлик таклифи бўйича III даражали диплом ҳамда пул мукофоти билан тақдирланган эди. Ушбу таклифнинг моҳияти ва ишлаб чиқаришдаги самараси билан яқинроқ танишиш мақсадида унинг муаллифлари билан учрашдик.

2-БЕТ

Ушбу сонда

Раҳбарлар учун ўқув семинар

3-БЕТ

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси

4-БЕТ

Современные и качественные услуги

6-БЕТ

Компьютер сабоқлари

11-12-БЕТЛАР

Икки миллионлик марка

14-БЕТ

Байрам спартакиадаси

15-БЕТ



O'ZBEKISTON - ROSSIYA QK SUG'URTA - KOMPANIYASI

Кенг қамровли сугурта хизматлари

тел.: (+998 71) 173-80-05, факс: (+998 71) 173-80-06



UzNet
Internet Service Provider
— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернет

JUMADAN —
JUMAGACHA

✓ Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз байрами тантанали нишонланди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон халқини кутлуг айём — Наврўз билан табрик-лаб, нутқ сўзлади. Юртбошимиз ўз табригида бу йилги Наврўз Ёшлар йилида янада кўтаринки кайфият ва зўр кувонч билан ўтаётганини таъкидлади.

✓ 25 март куни Термиз шаҳрида Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. А.Эшмуротов Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислам Каримов тавсиясига кўра, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири вазифасида ишлаб келаётган Туробжон Жўраев Сурхондарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 20 март куни Оксаройда Саудия Арабистони Подшоҳлиги шахзодаси Ал-Валид бин Талол бин Абдулазиз Ол Саудни қабул қилди. Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, Ўзбекистон Саудия Арабистони билан ўзаро муносабатларга алоҳида эътибор билан қарашини таъкидлади.

✓ Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида иш бошлади.

✓ Ўзбекистон Республикасининг Швециядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси (қароргоҳи Берлин шаҳрида жойлашган) Бахтиёр Фуломов Швеция Қиролли Карл XVI Густава ишонч ёрликларини топширди.

✓ Республика Байналмилал маданият маркази томонидан пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида "Наврўз — баҳор ва дўстлик байрами" мавзuida сайил ташкил этилди. Унда юртимиздаги миллий маданият марказлари вакиллари, маҳаллалар, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, талаба ёшлар иштирок этди.

✓ Наврўз умумхалқ байрами арафасида янги ташкил топган "General Motors Uzbekistan" кўшма корхонаси "Ўзэкспомарказ" да кенг жамоатчилик эътиборига "Nexia"нинг янги моделини ҳавола этди. Бу машинанинг биринчи модели Ўзбекистонда ўн икки йил давомида ишлаб чиқарилган. Ҳозир эса "Nexia"нинг такомиллаштирилган янги модели шохсупадан ўрин олди.

Ушбу воқеага бағишланган тақдирот маросимидда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.Санакулов мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов ташаббусига кўра, қисқа вақт ичида Андижон вилоятининг Асака шаҳрида "ЎзДЭУавто" автомобил заводининг қад рўстлаганини қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йилгилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, соҳа мутахассислари иштирок этдилар.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ
КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Мажлисида Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2007 йилги иш режаси ижроси таҳлил қилинди ва 2008 йил иш режаси маъқулланди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан 2007 йил давомида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш, ушбу соҳа учун кадрлар тайёрлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Жорий йил-

да мазкур йўналишдаги ишлар давом эттирилиб, миллий ахборот тизимини шакллантириш, давлат ва ҳўжалик бошқарувида замонавий ахборот технологияларини қўллаш ҳамда улар асосида интерактив хизматлар кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши қайд этилди.

Мажлисида ахборот-коммуникация технологияларининг долзарб йўналишларидан бўлмиш электрон таълим билан боғлиқ ресурсларни яратишдаги муаммолар ва масофавий таълимни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги ахбороти тингланди. Таълимнинг мазкур йўналишини ривожлантириш истиқболлари бўйича тақлифлар билдирилди.

Мажлисида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари изчил ривожланиб бораётгани муносабати билан ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этаётганига эътибор қаратилди. Кенгаш аъзолари давлат бошқаруви органлари ахборот тизимларининг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини экспертиза қилиш методикаси бўйича йўриқнома лойиҳасини кўриб чиқдилар. Вазирлик ва идораларга ахборот хавфсизлиги талабларини таъминлаш борасида ушбу янги йўриқномадан фойдаланишга доир тавсиялар берилди.

● IXTIRO

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

ёхуд 12 волтти электр сув насоси ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

— Ер ости сувларининг ер юзасига яқинлашуви ёки ёгингарчилик кўп бўлиши натижасида телекоммуникация канализацияси қудуқларида сув тўпланиши, бу сувлар электрокабелларга, уларнинг муфталарига зиён етказиши, электр алоқа сифатининг ёмонлашувига олиб келиши ҳаммага маълум, — дейди суҳбат чоғида Ж.Якубаев. — Бу салбий ҳолатнинг олдини олиш мақсадида канализация қудуқларини герметиклаш чора-тадбирлари амалга оширилаётганига қарамай ер ости сувлари мўл бўлган ҳудудларда канализация қудуқларида сизот сувлари тўпланиб қолиши алоқачиларни ташвишга солмоқда. Чунки бу сувларни чиқариб ташлаш учун кўл меҳнати сарфланишини ёки бензинда ишлайдиган мото сувнасоси (мотопомпа) кераклигини, уни ташиб олиб бориш-келишига юк автомобилли жалб этилишини эътиборга оладиган бўлсак, бу мақсадлар учун сарф-харажатлар кўплигини, айниқса, қimmatли вақт ортиқча сарфланаётганлигини тасаввур қилса бўлади.

Телекоммуникация боғламаларининг линия ҳўжалигида мавжуд мото сувнасосларининг сони чекланганлиги тўғрисида канализация қудуқларидан сувларни чиқариб ташлашда айрим ҳолларда электромонтёрлар қўл меҳнатидан фойдаланишга мажбур бўлинаётганлигини бу эса алоқа канализацияларида таъмирлаш-профилактика ишларини белгиланган муддатларда бажарилишига салбий таъсир қилаётганлиги, янгилирини сотиб олиш учун эса маблағ зарурлиги ушбу рационализаторлик тақлифининг пайдо бўлишига туртки берди.

Таъмирлаш юмушлари билан банд бўлган электромонтёрлар ва



кабел пайвандловчилар меҳнатини энгиллаштириш, канализация қудуқларида тўпланиб қолган сизот сувларини чиқариб ташлашнинг оптимал ва арзон усулини топишда олиб борилган изланишлар натижасида автомобиль аккумулятор батареяси қувватида ишловчи "12 волтти электр сув насоси" рационализаторлик тақлифи 2007 йилнинг январ ойида пайдо бўлди.

Ушбу тақлиф асосида яратилган мини электр сув насосининг техник тавсифи билан қизиқганимизда, иккинчи муаллиф Усмоножон Исмоилов мазкур насос мутахассислар томонидан синаб кўрилганлигини ва ижобий баҳоланганлигини маълум қилди. Синов натижалари эътиборга лойиқ. Вазни бор-йўғи 1,2 кг, истеъмол қуввати 25 Вт. бўлган 12 волтти электр сув насоси бир литр сувни бир сонияда 3 метр баландликка чиқариш қувватига эга ёки бошқача қилиб айтадиган бўлсак, канализация қудуғидаги бир кубометр сувни 16 дақиқага қолмасдан чиқариб ташлайди. Бундан ташқари, ушбу жажжи сув насосидан бошқа мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкин. Дала шароитида баландликка сув

чиқариш, автомобилни унинг ёрдамида ювиш, сатҳи оқиш сувдан баланд бўлган иссиқхоналарни сўғориш каби юмушларни бажариш. Ушбу қурилманинг иш унумдорлиги бензинда ишлайдиган мото сувнасосига қараганда паст бўлса-да, камхаржлиги, транспортёрда қилиш ва ишлатишда қулайлиги билан устун туради.

12 волтти электр сув насосини ишлатиш учун бир киши кифоя. Канализация қудуғида сув сатҳи паст бўлган тақдирда бензинда ишлайдиган мото сувнасосининг сўриш шлангига сув тўлдирилгандан сўнг ишлатилган бўлса, 12 волтти электр сув насосида бунга эҳтиёж йўқ. Ушбу насосни канализация қудуғига тушириб, унинг сўриш қисмини сувга ботиргандан кейин автомобиль аккумулятор батареясига уланиши билан ишлай бошлайди.

Ушбу қурилманинг нархи қўлда ишлатиладиган механик сув насоси ва мотопомпа нархидан анча арзон.

Агарда ушбу 12 волтти электр сув насосига эҳтиёж ёки қизиқиш бўлса, "Наманган Телеком" филиали техник эксплуатация лабораторияси муҳандиси Усмоножон Исмоиловга (8369) 226-66-99 телефон орқали ёки namtel@uztocom.uz электрон почта манзилига мурожаат қилиш мумкин.

Шўҳрат ПАРПИЕВ,
"Xabar"нинг Наманган
вилоятидаги мухбири

SEMINAR

Маълумки, кундалик сўзлашувда “ахборотлашган жамият”, “автоматлаштирилган бошқарув тизими”, “электрон ҳужжат айланиши”, “электрон рақамли имзо”, “электрон тижорат” ва “электрон ҳукумат” атамалари фаол сўзларга айланиб бормоқда. Бу эса республикамиздаги вазириликлар, идора ва ташкилотлар раҳбар ходимлари учун ахборот-коммуникация технологияларидан амалда фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган семинарлар ўтказишни кун тартибига қўймоқда.

РАҲБАРЛАР УЧУН ЎҚУВ СЕМИНАР



Жорий йилнинг 24-25 март кунлари Андижон вилоятида, 26-27 март кунлари эса Фарғона вилоятида раҳбар кадрлар учун ахборот-коммуникация технологияларидан амалда фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ўқув семинарлари бўлиб ўтди.

Семинарлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги «Ахборот-коммуникация техно-

логияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори бажарилишини таъминлаш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирилик ва идоралар, маҳаллий ҳокимлик органлари раҳбар кадрлари учун ахборот-коммуникация технологияларидан амалда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш бўйича семинарлар Дастури”га мувофиқ ўтказилмоқда.

Андижон ва Фарғона вилоятлари бошқарувида фаолият юритаётган раҳбар ходимлар — вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари биринчи ўринбосарлари, олий ўқув юрлари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва бошқа тармоқ раҳбарлари иштирок этган ўқув семинарида ҳозирги ахборот технологиялари ва ахборотлашган жамият муаммоларига бағишланган маърузалар тингланди. Иштирокчилар ахборот тизимлари ва технологиялари турлари, тизимдаги жараёнлар ва уларни жорий этишга доир янгиликлар билан танишишди.

Ўқув-семинар машғулотларида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари А.Хўжаев қатнашди. Машғулотлар ФТМТМ ва UZINFOCOM маркази мутахассислари, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Фарғона политехника институти профессорларидан иборат лекторлар гуруҳи томонидан олиб борилди.

Бундай ўқув семинарлари 2008 йил давомида барча вилоятларда ўтказилади.

А.РАСУЛОВ,
ТАТУ Фарғона филиали
директори ўринбосари

ИЖРО ИНТИЗОМИ

Нукус шаҳрида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги мутахассислари иштирокида “Ижро интизоми” мавзусида ўқув семинари бўлиб ўтди.

Семинарда Қорақалпоғистон Республикаси алоқа корхоналарининг барча раҳбарлари иштирок этдилар. Уни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи К.Каланов кириш сўзи билан очди.

Семинарда Агентлик бош юридик маслаҳатчиси Б.Жабборов Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, агентлик корхона раҳбарларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш йўлида олиб борилаётган ишлар тўғрисида маъруза қилди.

“Ўзбектелеком” АК етакчи мутахассиси Н.Иброҳимов “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 январдаги “Ижро интизоми мустаҳкамлаш бўйича чоралар тўғрисида”ги 12-сонли қарори ижросининг жойларда бажарилиши ҳақида маъруза қилди.

Давлат алоқа инспекцияси норматив ҳужжатларни тайёрлаш бўйича бўлим бошлиғи И.Рустамов “Агентликнинг 2005 йил 27 январдаги 26-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Агентлик тизимида мурожаатларни кўриб чиқиш, ҳисобга олиш ва улар бўйича ҳисобот тузиш тартиби тўғрисида йўриқнома” асосида ишларни ташкил қилиш қоидалари ҳақида гапирди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ кадрлар ва малака ошириш бўлими бошлиғи Т.Хўжақулов соҳа тизимидаги корхоналарда кадрлар бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш ва юритишда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш чоралари ҳақида маъруза қилди.

Семинар сўнггида махсус анкета саволлари тарқатилиб, маърузалар юзасидан тингловчиларнинг фикрлари аниқланди.

Раҳимжон БОЛТАБОВ,
“Хабар”нинг Қорақалпоғистон
Республикасидаги муҳбири

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши ўртасида 2006-2008 йиллар учун тузилган Тариф келишувининг 2007 йилдаги бажарилишига бағишланган селектор йиғилиши бўлиб ўтди.

ТАРИФ КЕЛИШУВИНИНГ БАЖАРИЛИШИ

Йиғилишда вилоятлар филиаллари раҳбарлари ва касаба уюшмаси кўмиталари раислари иштирок этишди. Йиғилишни «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ бош директори Р.Қосимов ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Назаржоновлар олиб боришди. 2007 йилда почта алоқаси соҳасида Тариф келишуви ва Жамоа шартномаларининг қандай бажарилганлиги хусусида маълумот берилди. Унда, ўтган йили почта алоқаси соҳасида Тариф келишуви ва Жамоа шартномалари асосан бажарилганлиги айтиб ўтилди.

Мажлисда қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Йиғилиш иштирокчиларининг саволларига батафсил жавоблар берилди.


«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ
матбуот хизмати

ДУНЁГА ДЕНОВДАН ТУРИБ...

Наврўз кунларида Денов почта алоқаси тармоғи қошида интернет-кафе фойдаланишга топширилди. Унинг очилишига бағишланган маросимда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Сурхондарё филиали директорининг ўринбосари Искандар Очилдиев, Денов туман ҳокими ўринбосари Каримжон Насруллаев ва туман почта алоқаси тармоғи раҳбари Умарали Баратовлар йўлга қўйилган янгиликнинг аҳамияти ҳақида сўзлашди.

Сир эмас, бугун рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш кун тартибидан турибди. Деновда бу вазифанинг урдасидан чиқа оладиган фидойи кишилар етарли. Улар ички бозорни тўлдиришга катта ҳисса қўшишмоқда. Шубҳасиз, бундай тадбиркорларнинг дунёдаги исталган мазилдан ҳамкор топишида интернет рамзий маънода кўприк вазифасини ўтайди. Маросимда ҳам интернет-кафе нафақат ёшларнинг дунёни билишига, балки туман тадбиркорлари ва фермерларининг жаҳон бозорига чиқишига ҳам кенг имкон бериши таъкидланди.

Дарҳақиқат, амалдаги ахборот асри истиқболи келажакка мустаҳкам пойдевор яратишда “олтин камар” ҳисобланади. Шу мақсад кўзланиб қабул қилинган меъёрий



ҳужжатлар ичида Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги ривожланишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ўзига хос ўринга эга.

Улуғ айём кунлари иш бошлаган замонавий шахобчага ёш мутахассис Дилшод Назаров масъул этиб қўйилди. У компютерни бенуқсон бошқариш иқтидорига эга. Мижозлар тўққиз турдаги хизматдан бемалол фойдаланишмоқда. Эксперт ва гибрид почта ҳар кун амалда. Жўнатмалар, қимматли хатлар ва бандероллар ўз вақтида манзилга етказилмоқда.

Агар Дилшоджон хизмат кўрсатаётган интернет-кафеда биринчи мижозлар қабул қилинаётган бўлса, тармоқнинг амалиёт зали ва алоқа бўлимларида ўн уч турдаги хизмат кўрсатилмоқда. Бу хизматлар Наврўзга бағишланиб ўрнатилган рангли паннода номма-ном акс эттирилди. Хуллас, туман почта алоқаси тармоғи бу борада ҳам бошқа туманларга ибрат бўлди.

Нортожи ЗИЁЕВ

QAROR VA IJRO


Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2007 йилнинг 21 майида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзбектелеком» АК томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси

Унинг «Ўзбектелеком» АКда ривожлантириш истиқболлари

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда «Ўзбектелеком» АК томонидан келишилган «Республиканинг қишлоқ худудларида ахборот-коммуникация ва сервис хизматларини кўрсатувчи инфратузилма тармоғини (пунктларини) яратиш бўйича 2007-2008 йил учун ишлаб чиқилган режа жадваллари» тасдиқланган. Ушбу режага асосан 2007-2008 йилларда 400та (2007 йилда 195та) кичик корхона, яъни сўзлашув ва дилерлик шаҳобчаларининг очилиши кўзда тутилган.

Ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектлари сони



Ташкил қилинган иш ўринлари сони




«Ўзбектелеком» АК бўйича 2007 йил мобайнида ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 552 (254та қишлоқ жойларида) тани ташкил этди. Шулардан сўзлашув шаҳобчалари сони шаҳарда 337та, қишлоқ жойларида 47та, ижарага берилган қишлоқ АТСлари сони 36тага етди. Кичик корхона ва провайдерлик масканларида ахборот-коммуникация хизматларини кўрсатувчи иш ўринлари сони 1,422 (469 қисқартирилган ходимлар) нафардан иборат бўлди. Ҳисобот даврида мазкур субъектлар бўйича сервис хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлар 4,273,1 млн.сўм (ўртача ойлик даромад 349,3 млн.сўм)ни ташкил қилди.

Ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларидан олинган даромад




Айтиш лозимки, мустақиллик йилларида «Ўзбектелеком» АК телекоммуникация тармоғини реконструкция қилиш ва ривожлантириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунга келиб, компаниянинг барча филиалларида маҳаллий тармоқнинг рақамлаштириш даражаси 82 фоизга етказилди. Рақамли ЭАТСларнинг ишга туширилиши муносабати билан аҳолига стационар алоқа хизматларидан ташқари сервис хизматларини ҳам таклиф этиш имконияти пайдо бўлди. Компания томонидан 20дан ортиқ қўшимча хизмат турларидан 1,55 млрд. сўмдан ортиқ даромад олинди, ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,2 баробарга ошди.

Қўшимча хизмат турларидан олинган даромад




Ўзбекистон Республикаси провайдерларининг юқори тезликдаги ва сифатли интернет тармоғига киришини таъминлаш мақсадида 2007 йил мобайнида Россиянинг «МТТ» ОАЖ билан 34 Мбит/с тезликдаги интернет-кириш тармоғига уланиш ҳақида шартнома тузилди. Натижада халқаро интернет каналларининг ўтказувчанлик қобилияти 354 Мбит/секундга етказилди.

Халқаро интернет канали сигимининг ўсиши, Мбит/с




Компания филиаллари бўйича 2007 йил мобайнида маҳаллий телефон тармоғида асосий телефон аппаратлари сони 26,2 мингта (қўшма корхоналар билан 33,4 мингта)га ўсди ва режанинг 100,0 фоиз бажарилишига эришилди. Асосий телефон аппаратлари сонини ўстириш режаси барча филиал ва корхоналар томонидан бажарилди.

Асосий телефон аппаратлар сонининг ўсиш динамикаси



Рақамлаштириш коэффициенти йил бошида 72,6 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳисобот даври якунига келиб 80 фоиз (қўшма корхоналарни ҳисобга олган ҳолда 84%)ни ташкил этди.



Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, компаниянинг кўрсатилган хизматлардан олинган даромади охишида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши салмоқли бўляпти. Қолаверса, қўшимча хизмат турларининг аҳоли орасида кенг тарғиб қилинаётгани ўзининг сезиларли натижасини бермоқда. Бу борада қилинган ишлар ҳали бошланғич босқичдалигини ҳисобга олсак, келгусида бундан-да юқори кўрсаткичларга эришиш мумкинлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Шухрат СОДИҚОВ,
«Ўзбектелеком» АК бош директори
ўринбосари,
Хуршид ЛУТФУЛЛАЕВ,
иқтисодий таҳлил, прогнозлаш ва
тарифлар бўлими етакчи мутахассиси

SURXHONDARYODA...

ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИДА...

Ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятини кучайтириш мақсадида ахборот технологиялари асосида иш юритиш кенг йўлга қўйилмоқда. Бундай замонавийлаштириш тадбири Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё туманида биринчилар қатори амалга оширилди. Худуддаги барча қўرғон ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари тез муддатларда компьютерлаштирилди.

Янгилик туфайли маҳалла фуқаролар йиғинлари ишини ўз вақтида мувофиқлаштириб боришга кенг имкон яратилди.

Шунингдек, Кумқўрғон туманидаги 8та қишлоқ фуқаролар йиғинини компьютерлаштириш Ёшлар йили дастурига киритилди. Ҳозир ходимлар замонавий иш услубига ўтиш олдидан ўз малакаларини оширишмоқда.

ЁШЛАР ЖАМОАСИДА...

«Perfectum Mobile» қўшма корхонасининг Сурхондарё вилоят филиали иш бошлаганига июн ойида икки йил тўлади. Улар вилоятнинг тоғолди қишлоқларини телефонлаштириш борасида катта ҳажмдаги ишларни амалга оширишди, Айни пайтда PAYNET хизматини кенг йўлга қўйиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими шаҳобчаларини интернетга улаш борасида сезиларли натижаларга эришилди. Хусусан, вилоятдаги мавжуд академик лицей ва касб-хўнара коллежлари юз фоиз интернет билан ишлаш имконига эга бўлди.

Кейинги бир ярим йил мобайнида 18та янги иш ўрни яратилган бўлса, буларнинг барчаси ёш кадрлар ҳисобига банд этилди.

ҚИШЛОҚДА...

Шеробод туманидаги Улаш Туропов номидаги фермер хўжаликлари уюшмаси меҳнаткашлари Наврўз байрами нишонланаётган айтиш шу кунларда муҳим қўлайликка эга бўлишди. Бу ерга ўрнатилган замонавий рақамли телефон станцияси кўп сонли мижозларни мамнун этди.

— Зарабўликларга ҳам катта имконият яратилди, — дейди Шеробод телекоммуникациялар боғламаси бош муҳандиси Абдиназар Турдиев. — Ҳозир тоғолди қишлоғи одамлари халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув шаҳобчасидан унумли фойдаланишмоқда. Уларга Ўткир Менглиев манзур хизмат кўрсатаяпти.

Нортожи ЗИЁЕВ,
«Хабар»нинг Сурхондарё вилоятидаги муҳбири

Наврўз — саховат байрами

Наврўз — покизалик, меҳру мурувват, саховат байрами. Шу сабаб кунлар илиши билан одамлар атрофни тозалашга, уй ва ҳовлиларни, кўчаларни тартибга келтиришга киришадилар. Айниқса, байрам олдида ўтказиладиган умумхалқ ҳашари меҳнат байрамига айланади. Республикамиздаги нуфузли алоқа корхоналаридан бири — “Ўзбектелеком” АК “Тошкент телеграф-телефон станцияси” филиалида ҳам Наврўз ана шундай тайёргарликлар билан кутиб олинди.

Наврўз арафасида корхона ҳудуди супуриб-сидрилди, дарахтлар оклиниб, чиройли шакл берилди. Атиргуллар таги чопилиб, жуяк олинди.

— Корхонамизда ходимлар манфаати биринчи ўринга қўйилган, — дейди “ТошТТС” филиали касаба уюшма кўмитаси раиси Дилшод Усмонов. — Уларни доимо эътибор оғушида тутиб, ишда юқори самарадорликка эришишлари учун барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Наврўзолди ҳашарда барча ходимлар тўлиқ иштирок этишди ва ўзлари дошқозонда баҳорнинг шоҳ таоми сумалак тайёрлашди. Корхона ҳисобидан қўй сўйилиб, ош дамланди ва камхарж оилаларга гўшт тарқатилди.

Корхонада байрам юқори кўтаринкилик билан ўтказилди. Ходимлар тўкин дастурхон атрофида яхшиликдан, эзгуликдан сўзладилар, шундай ажойиб кунларга етказганга шукрона келтирдилар. Ҳар доимгидай бу гал ҳам корхонадан пенсияга чиққан фахрийлар давра тўридан жой олишди, кўрсатилган иззат-ҳурмат учун дуо қилиб, эл хизматиға камарбаста ходимларга ишларида ривож, ўзларига саломатлик тилашди.

Муборак МИРКАМОЛОВА

Наврўз вилоят почта алоқаси ходимлари учун қўшалоқ байрамга айланиб кетди. Байрам арафасида Андижон филиали янги маъмурий бинога эга бўлди. Байрам тантанаси айнан мана шу бинода нишонланди. Тантананда фахрий алоқачилар, вилоят ҳокимлиги ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси вакиллари қатнашишди.

Байрам дастурхони ёзилиб, почта алоқаси ходимларининг қўллари билан тайёрланган баҳорнинг тансиқ таоми — сумалак тортилди.

Ёш почта ходимлари кекса авлод вакилларининг бой ҳаётий тажрибалари ҳақидаги сўхбатларидан баҳраманд бўлдилар. Ишлаб нафақага чиққан ва бемор ходимлар ҳолидан хабар олинди.

Камолитдин ҚАМБАРИДДИНОВ
Андижон вилояти

Ўзбекистонимизнинг ҳар бир воҳаси ва кентиде ўзига хос байрам удумлари, анъаналари бор. Ҳўш, қадим Бухорода-чи? “Бухоро Телеком” да ўтган “Сумалак сайли” ташкилотчилари тантананинг айнан шу жиҳатларига алоҳида эътибор бердилар.

Сумалак сайли

Қадимий воҳанинг такрорланмас тўю томошалари чоғида асрлар давомида эл-юрт қалбидан чуқур жой олган гўзал тadbирларидан бири — “Болани бешикка бойлаш” бўлиб, Мўмина Темирова, Назира Аҳмедова, Санобар Истамова ижроларидеги саҳна кўринишлари ҳам, «Келинчакнинг салласини ўраш» деб ном олган удум иштирокчилари — Олия Шукрлаева, Дилфуза Сулаймонова, Зилола Фахриддиноваларнинг эсда қоларли чиқишлари ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ха, куда-андалар, қариндош-уруғлар, ёру дўстлар жамулам бўладиган яна бир Бухороча удумлардан бири —

«Мўлжалпўшон», яъни мучал ёшидаги ўғил-қизларга сарполар кийдириш, уларга ширинликлар улашиш сингари гўзал ва боқий анъанадир. Бу саҳна кўриниши ҳам Шоира Ражабова ва унинг жажжи фарзанди Умиджон томонидан алоҳида жозибали билан ижро этилиб, тadbир қатнашчилари кайфиятига кайфият қўшди.

Куй-қўшқлар кўнгилларга хушнудлик бахш этди. Ҳар битта удумнинг келиб чиқиш тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи халқ ривоятларидан намуналар айтилди. Айниқса, Наврўзнинг шоҳ таоми — сумалакнинг пайдо бўлиши хусусидаги ривоятни, дунёдаги энг гўзал қўшқ — «Алла»ни тadbир



«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Қашқадарё филиалида ўтказилган Наврўз байрами ўзида бағрикенглик, меҳмондўстлик, миллий анъана ва удумларни мужассам этди. Филиал жамоаси шодиёна аввалида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширди. Худуд маиший чиқиндилардан тозаланиб, манзаралари дарахт кўчатлари, мавсумий гуллар экилди. Дарахт шоҳлари буталаниб, уларга ишлов берилди. Йўл-йўлаклар тозаланиб, ариқлар қазилди, янги гулзорлар барпо этилди. Яхши дам меҳнатга ҳамдам, деганларидек жамоа шундан сўнг Наврўз шодиёнасиға тўпланди. Бир ёқда катта дошқозонда сумалак тайёрланиб, йиғилганларни сумалак сайлиға чорлади. Яна бир томонда филиал касаба уюшма кўмитаси томонидан спорт мусобақалари ташкил этилди. Кўклам таомлари тортилиб, меҳнат фахрийлари давра тўридан жой олдилар. Санъатқорларнинг баҳор ва Наврўзни мадҳ этувчи дилтортар куй-қўшиқлари садолари остида барча қувнаб рақсға тушди. Филиал ишчи-хизматчилари ҳам ўзларининг пазандалик, орас-талиқ, меҳмондўстлик, топқирлик каби фазилатларини намойиш этдилар.

Афтондил ИСМОИЛОВ
Қашқадарё вилояти

иштирокчилари илиқ кутиб олдилар.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига мувофиқ, вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси ходимлари томонидан ижро этилган «Салла бойлаш» саҳна кўриниши энг мазмунли чиқиш сифатида эътироф этилиб, қатнашчиларға фахрий ёрлиқлар ва эсдалиқ совгалари топширилди.

«Сумалак сайли» тadbирининг бошқа қатнашчиларига ҳам «Бухоро Телеком» филиали касаба уюшма кўмитасининг байрам совгалари тақдим этилди.

Тadbирда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг раиси Тохир Назаржонов, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Бибиражаб Мухаммедова, «Бухоро Телеком» филиали директори Шариф Худойбердиевлар сўзға чиқиб, барчани Наврўзи олам билан самимий табриқладилар.

Асқар ИСТАМОВ,
“Хабар”нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

КўЧМА ЎҚУВ КУРСИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳайъатининг қарори ва 2007 йил 4 майдаги буйруғиға асосан “Ўзбектелеком” АК филиалларида иш самарадорлигини ошириш учун муҳандис-техник ва оммавий касб ходимларининг малакаларини ошириш бўйича Инженер-техник маркази томонидан барча вилоят марказларида кўчма ўқув курслари ташкил этилмоқда.

18-20 март кунлари Гулистон шаҳрида ҳам “Сирдарё Телеком” филиалининг кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш марказида Инженер-техник маркази томонидан ташкил этилган “Кабел алоқа линиялари ишончилигини ошириш” дастури бўйича кўчма ўқув курсида туман ва шаҳар телекоммуникациялар боғламаларининг кабелчи-пайвандчиларидан 30 киши қатнашди.

Курс машғулотларини Тошкент ахборот технологиялари университетининг катта ўқитувчиси Рамзиддин Камолитдинов олиб борди. Назарий ва амалий машғулотлар қизиқарли ўтди. Иштирокчиларнинг алоқа кабелларининг турлари, улардан фойдаланиш ва профилактика ишларини олиб бориш бўйича саволларига батафсил жавоб берилди.

Ўқув машғулотлари сўнгида 30 нафар кабелчи-пайвандчиға “Ўзбектелеком” АК сертификатлари топширилди. Ушбу маросимда “Сирдарё Телеком” филиали директори А.Ағалиев, Инженер-техник маркази етакчи мутахассиси Р.Шералиевлар иштирок этишди.

Умар РАЖАБАЛИЕВ,
“Сирдарё Телеком” филиали етакчи муҳандиси

QUTLOV

Фаол ва тажрибали ижодкор, ташкилотчи инсон, юқори малакали журналист Орифжон Мухаммаджонов 70 ёшға тўлди.



Ташаббускор ижодкор

Орифжон аканинг матбуотдаги фаолиятиға қарийб эллик йил тўлибди. Унинг илк мақолалари ўтган асрнинг 60-йилларида Юқори Чирчиқ туманидаги «Суръат» газетасида босилган. Кейинчалик республика мидаги кўплаб йирик нашрларда мухбир, бўлим муҳаррири ва бош муҳаррир лавозимларида фаолият олиб борди. Кўпроқ турли вилоятлардан ёзилган ранг-баранг мавзулардаги мақолалари, замон қаҳрамонлари тўғрисидаги очерклари билан газетхонлар меҳрини қозонди.

Орифжон Мухаммаджонов 2003 йилнинг ўрталарида бошлаб «Хабар» газетасида бош муҳаррир вазифасида ишлади. Шу вақт мобайнида газетанинг ёш ижодкорларига ўзининг кўп йиллик тажрибасини ўргатди.

О.Мухаммаджонов ҳамон изланишда. Айни пайтда Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг “Садо” газетасида бош муҳаррир лавозимида ишлаётир. Шижоатли ва ташаббускор журналистни 70 ёши билан муборақбод этиб, доимо соғ-омон бўлинг, деймиз!

“Хабар” газетаси жамоаси

● В ПРЕДПРИЯТИЯХ СВЯЗИ

Каждая компания или предприятие, отмечая определенные вехи своего становления, анализирует свой пройденный путь, подводит итоги деятельности с позиции современных тенденций развития и определяет стратегические направления деятельности.

Укрепление независимости Республики Узбекистан настоятельно требовало ускоренного развития столь сложной высокотехнологической отрасли как связь, поэтому с первых шагов независимого развития страны возникла необходимость в проведении научно-обоснованной политики в этой отрасли.

В Навоийском вилояте, как и по всей стране, осуществляются широкомасштабные работы по развитию компьютерных и информационных технологий, телекоммуникаций и сети передачи данных, услуг интернета, по их усовершенствованию и доведению до мировых стандартов. Населению Навоийского вилоята качественные услуги связи и информатизации оказывает филиал «Навои Телеком», в котором произошли большие изменения благодаря правительственным постановлениям по реконструкции, развитию и расширению сети АК «Узбектелеком». Так, только за счет кредитов Японского фонда международного сотрудничества (OECS) в целях оказания населению вилоята новых качественных телекоммуникационных услуг в 1998 году было проложено волоконно-оптической кабельной сети протяженностью 498 км. Аналоговые автоматические телефонные станции старого типа были переключены на современные

СОВРЕМЕННЫЕ И КАЧЕСТВЕННЫЕ УСЛУГИ

цифровые АТС японской фирмы «NEC» в количестве 12 станций, которые были установлены в городах и районных центрах области Навоийского вилоята, также, была смонтирована и введена в эксплуатацию цифровая автоматическая междугородная станция емкостью 2850 каналов, в результате чего резко улучшилось качество услуг междугородной и международной связи, увеличилась скорость передачи данных через телекоммуникационную сеть, а также доступ связи населения вилоята с другими регионами республики осуществляется намного быстрее и качественнее.

В 2005 году, по плану поэтапного переключения аналоговых систем на цифровые, 11 аналоговых АТС были переключены на электронные цифровые компании КНР «HUAWEI». Цифровые станции были установлены в городах Навои, Зарафшан и районных центрах вилоята. Переключение аналоговых телефонных станций на цифровые дало возможность населению пользоваться современными услу-

гами связи, электронной почты, сетью передачи данных и подключения в международные сети на уровне требований международных стандартов. Проведение ряда важных мероприятий по реконструкции и развитию телекоммуникационных сетей в вилояте за период 1998-2007 г.г. позволило увеличить смонтированную емкость на 24206 номеров, количество пользователей телефонной связью увеличилось на 30088 номеров. Так, на 01.02.2008 год смонтированная емкость составляет — 62768 номеров, использованная — 61724, что составляет 98,3% действенности. С внедрением современной цифровой телекоммуникационной системы расширился спектр оказываемых клиентам видов услуг. На сегодняшний день филиалом оказываются 16 дополнительных видов услуг, число их пользователей составляет — 42356 абонентов, доход поступивший от внедрения этих услуг составляет — 160577,823 сум.

В сфере связи и информатизации населению Навоийского вило-

ята оказывает современные и качественные услуги связи и другие компании, такие как — «East Telecom», «МТС», «Coscom», «Buztop», «Perfectum Mobile», «Билайн», «UzMobile».

2003-2007гг. в филиале «Навои Телеком» были озаменованы внедрением информационно-коммуникационных технологий. Биллинг-центром было разработано и внедрено в эксплуатацию программное обеспечение по расчетам абонентов, также пункты приема платежей, служба бюро ремонта «08», справочная служба «09» были подключены к единой корпоративной сети филиала. В результате все процессы по оказанию услуг населению, система расчетов, справочная, ремонтная и другие службы по филиалу были автоматизированы.

В 2007 году произвели замену 18 аналоговых сельских АТС на цифровые АТС малой емкости, так же имеют сервисные услуги для абонентов.

В 2008 году планируется внедрение 5 новых цифровых АТС: в г. Навои — п. Спутник — на 1024 номеров, п. Умид — на 512 номеров, п. Гулистан — 512 номеров, в г. Учкудуке — 1024 номера, г. Зарафшан — 1312 номеров общей смонтированной емкостью — 4384 номера. Внедрение новых АТС даст возможность телефонизировать нетелефонизированные жилые районы и увеличить количество пользователей услугами связи.

Базарали ТУНГИШБАЕВ,
директор филиала
«Навои Телеком»

Новости в сфере ИКТ

Yahoo начинает внедрение элементов семантической сети

Компания Yahoo планирует начать использование в своей поисковой системе элементов семантической сети.

Проект семантической сети предполагает создание специализированной системы, в которой компьютеры смогут взаимодействовать друг с другом без участия человека, а приложения научатся распознавать информацию. Для этого в каждый документ или веб-страницу будут добавляться метаданные, указывающие на время, место создания файла, его назначение, тип и пр. Основными элементами семантической сети являются механизм описания ресурсов RDF (Resource Definition Framework), язык онтологий OWL (Web Ontology Language) и язык запросов SPARQL.

BBC отмечает, что компания Yahoo планирует начать включение идентификаторов семантической сети в свой поисковый индекс. Это должно будет привести к значительному улучшению точности результатов, выдаваемых по запросам пользователя. Поисковик в семантической сети, в частности, сможет определять, объекты какого именно типа ищет пользователь, и вместо длинного списка ссылок выдавать перечень наиболее полезных результатов.

Блоггерша стала обладательницей литературной премии



Мэйко Каваками, снискавшая популярность благодаря своему блогу, стала обладательницей литературной премии имени Акутагавы Рюноске. До начала своей карьеры она работала барменшей, продававшей в книжном магазине, а онлайн-дневник завела для того, чтобы привлечь внимание к своим песням.

По словам Каваками, сначала блог был единственным местом, в котором она публиковала свои записки, поскольку в блоге можно посмотреть, сколько человек прочитало постинг и вычислить, что именно привлекает внимание читателей. Если в 2003 году её дневник читали лишь несколько человек, то теперь к ней заходит около 10000 человек, а 16 января, когда она завоевала премию, этот показатель составил 200000 человек.

По словам писательницы, в её книгах речь идёт про жизнь, тело, разум, острые ситуации, роды, в общем, обыденную жизнь человека час за часом.

Очки Smart Goggle ищут потерянные вещи

В Японии созданы «умные» очки, которые помогут рассеянным людям в поиске потерянных вещей. Разработали новинку специалисты из Школы информационных наук и технологий при Токийском университете.

Устройство называется Smart Goggle и по внешнему виду напоминает очки для сноубордистов. С левой стороны к очкам прикреплена миниатюрная камера, а с правой - небольшой экранчик. Пока пользователь ходит по помещению, в котором он потерял какой-либо предмет, камера ведет видеозапись всего, что попадает в поле зрения человека. Затем рассеянный владелец должен сообщить чудо-очкам, какую именно вещь он ищет. Специальное программное обеспечение обрабатывает видео и находит фрагмент записи, на которой виден необходимый предмет. После чего отрывок видеоролика демонстрируется на дисплее, и хозяину остается лишь подойти к нужному месту и взять потерянную вещь.



Чтобы «обучить» очки, пользователю нужно походить по квартире около часа, произнося вслух названия всех окружающих вещей. Используя особое ПО, устройство запоминает внешний вид и названия всех предметов, и впоследствии процесс поиска утерянных вещей с помощью Smart Goggle занимает считанные секунды.



АФОРИЗМ

Пока ты юн, копи богатство знания,
А в старости — расходуй достойно.

Алишер НАВОИ

Хабар +tv

ДУШАНБА — 31 МАРТ

ОҲАНГ

5.55 Курстугилар дастури.
6.00 «Ассолом, Рабиёнастон».
7.00 «Саров акадими», Т/с.
7.35 «Мияг бир ривоят».
7.40 «Дилшод навоилари».
8.00-8.45 «Тарзатомо».
8.45 «Оттин мирас».
9.50 «Осуф ва Зулфар», В/ф.
9.30 «Ортин буйлаб» дастури.
«Муқаддас қадқоқлар».
«Болалар сайраган».
9.45 «Болалар дунёси».
10.05 «Ҳанг ва Тонг», М/с.
10.30 «Ордин аркан», М.
10.50 «Хайт манзаралари».
11.00 «Абборот».
11.15 «Мияг бир ривоят».
11.20 «Ҳанон фарғана».
12.00 «Ассолом, Рабиёнастон».
13.00 «Олам ва ордин» дастури.
«Фарадин Эйнштейн».
13.50 «Оттин мирас».
14.00 «Абборот».
14.25 Зоки альбом.
14.25 «Бурчкуллада бахор».
14.30 «Бон», Т/с.
15.15 «Ортин буйлаб» дастури.
«Муқаддас қадқоқлар».
«Батағарвар».
16.25 «Бир кун».
17.00 «Абборот».
17.15 «Оттин мирас».
17.20 «Навруз нақшадан», 1-қисм.
«Болалар сайраган».
17.40 «Сўзлар» — шеърликка этиқадир.
18.00 «Сизнинг ақдосингиз».
18.05 «Мияг бир ривоят».
18.10 «Гуван атрофидиллар», Т/с.
18.50 «Жимкат».
19.10 «Сўзлар оқишда».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Абборот», рус/
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Анжак ёлгон», Т/с.
20.30 «Мияг бир ривоят».
21.00 «Абборот».
21.35 «Парламент вақтин».
21.55 «Сўнги қиролчани», Т/с.
23.00 «Қўшимчак, мурабат», /SMS/.
23.10 «Видеок».
23.30-23.55 Туғни навоилар.
«Шайхана».
23.55 Курстугилар дастури.
24.00 «Юсуф ва Зулфар», В/ф.
00.30 «Ортин буйлаб» дастури.
«Муқаддас қадқоқлар».
02.55 «Оттин мирас».
03.00 «Абборот», рус/
03.35 «Ёшлар майдон».
03.55 «Батағарвар».
03.55 «Бурчкуллада бахор».
04.00 «Абборот».
04.30 Зоки альбом.
04.35 «Мияг бир ривоят».
04.40 «Оттин мирас».
05.30 «Ортин буйлаб» дастури.
«Қўрим».
06.00 «Гуван атрофидиллар», Т/с.
06.40-06.55 Тонгги навоилар.



6.55 «Ақдодилар сезими».
7.00 «Туғни парвоз».
7.30 «Ирқашу», В/ф.
8.00 «Ёшлар майдон».
9.00 «Дар» Хабар телекани.
9.30 «Итга секин».
10.10 «Сен азия ва муқаддасан», Авт-
11.20 «Қитнос».
12.00 «Саванна ери», В/ф.
13.30 «Сизни қўлар».
14.00 «Лур», Т/с.
14.50 «Муқим муқом».

15.00 «Ёшлар майдон».
16.00 «Дар».
16.10 «Амр Темури», Т/с.
16.40 «Қалқоқ овози».
16.50 «Болалар бағори».
17.00 «Дарнинг боғиси».
17.10 «Сўфлар илҳамлари».
17.20 «Ёшлар ва таълим».
17.30 «Футбол-2008».
18.00 «Ёш оила».
18.15 «Изоҳ хабарлари».
18.20 «Аён қирин», Т/с.
18.55 «Сўр тилеми».
19.00 «Дар».
19.30 «Але», Т/с.
20.15 «Ватан мери».
20.20 «Изоҳ хабарлари».
20.30 «Қўлов навоилари».
20.50 «Қавнанинг оёқиси».
21.10 «Телуфран».
22.10 «Дар».
22.35 «Ақсартури».
22.50 «Хайт навоилар», Т/с.
23.35 «Тасолим».

СОНАТ

17.50 Курстугилар тартиби.
17.55 Мультипликация «Мултин», 1-қисм.
18.10 21.50 «Телуфран» маркази.
18.25 «Сизнинг ақдосингиз».
18.30 «Ирқашу».
18.50 «Жимкат», Т/с.
19.20 «ТВ юриси».
19.25 «Муқим SMS».
19.50 «Сизнинг ақдосингиз» рус/
20.07 «Пойлат» рус/
20.15 «ТВ юриси» рус/
20.20 «Мияг бир ривоят», Т/с рус/
20.50 «Ирқашу».
21.00 «Ирқашу».
21.30 «Пойлат».
21.45 «Уяғарлар».
22.10 «Аён қирин».
22.30 «Пойлат» рус/
22.45 «Кино SMS бо зевардан».
22.50-00.35 Кино: «Как отделиться от парней за десять дней».

СПОРТ

16.00 «Погона».
18.20 «Тит-а-тит».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида)
18.55 «Муқимга тайла».
19.15 «Спортнинг нақшадилари».
19.30 «Қўлов шартлари».
20.50 «Спортинг».
20.50 «Вольфол, Кубок ЕКВ, Муқимга Финал».
20.40 «Монинг Едани», Сервис.
21.30 «Хабарлар» (рус тилида)
21.55 «Жимкат».
22.50 «ЕВРОФУТБОЛ» Испания милликидан «REAL» — «оқиллар».
00.25 «Туркия оғди бўлиши».

БИРИНЧИ

4.00 8.05 Телеканал «Доброй утро».
8.00 11.00 14.00 Новости.
8.25 «Аллоҳа».
9.25 «Контрольная закупка».
10.00 «Убойная сила», Т/с.
11.15 «Модный приговор».
12.20 «Детективы».
13.00 Дурини хабарлари.
13.25 «Почет», Проспект».
14.20 «НЛО. Подарок» приключени».
15.00 «Огонь любви».
15.50 «Фидаральный судья».
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)

17.20 «Жан мени».
18.10 «Снег».
18.55 «Приветса цирка», Т/с.
20.00 «Время».
20.30 «И все-таки я люблю...», Т/с.
21.25 «Александр Збруев» — мента саванга жамъани.
22.30 Проект «Дикотоксика Америка».
23.20 «Ночные новости».
23.40 «Гавия и элдин».
0.20 «Ковид» «Телевизион».
1.45-2.30 Трейлер «Ковидом 2».

РОССИЯ

04.00 Доброе утро, Россия!
05.55 Х/ф «Два билета на дневной сеанс».
09.45 16.50 03.45 «Вести. Дневная часть».
10.00 13.00 16.00 19.00 «Вести».
10.25 13.20 19.20 «Местное время. Вести - Москва».
10.45 Т/с «Частный детектив».
11.40 Х/ф «Два капитана».
13.40 Т/с «Минская».
14.25 «Сид кадет».
15.00 Т/с «Куланин и партнер».
16.30 «Местное время. Вести - Московская область».
17.05 Т/с «Женщина без прошлого».
18.00 Т/с «Розные люди».
19.00 «Спокойной ночи, малыши».
20.30 Т/с «Тайны следствия».
21.55 Д/ф «Владимир Высоцкий. Сесим голодом».
22.50 Вести +.
23.10 «Частный детектив».
23.40 Симеянтар».
00.05 Дорожный патруль».
00.25 Х/ф «Большая красная едвизца».
00.35 Комната смека».
03.20 Т/с «Х».

НТВ

06.00 «Сегодня утром».
08.00 «Сегодня вена».
09.00 12.00 15.00 18.00 21.40 «Сегодня».
09.20 «Ирқашу».
09.55 «Кулиевнинг подорож».
10.55 «Классный вопрос».
12.00 Т/с «Авасат».
14.30 17.30 «Ирқашу».
15.30 Т/с «Возвращение Мухоморо».
18.40 Т/с «Литвизид, 4».
19.40 Т/с «Сурхон дарвози 2».
20.40 Т/с «Завия и подорож».
22.05 Т/с «Стихи на жазия».
23.05 «Цикл ақдосини».
23.55 «Қўтиқотил».
00.30 Х/ф «Григорян» по пилитика».
02.20 Т/с «Х».

КУЛЬТУРА

06.00 Канал «Евронюс».
09.00 16.30 22.30 «Испания культуры».
09.20 «В главной роли».
09.40 00.35 01.50 Программа передач».
09.50 Х/ф «Летария».
11.25 «Живые струны».
12.05 «Мый Эммануэл».
12.35 Телемексатик «Как войти быть сервизом».
14.00 «Живое дерево ремесла».
14.10 70 лет С. Бариеву «Эпизоды».
14.50 «Пародия слез».
15.00 М/с «Вальс Дор 2».
15.25 М/ф «Одна лошадида белая».
15.30 «Джулига вьезди».
15.55 Д/ф «Экзотик».
16.05 Д/с «Путешествие в царство животных», 5-с.

16.35 «Госади просвещения».
17.00 Д/ф «Монте Албан. Религиозный и торговый центр».
17.15 «Достоинство республикан» Самонис монастыря».
17.30 «БлонЮТ».
18.00 «Иной полет».
18.50 Х/ф «Частые гудни».
20.05 «Театральная летопись», А. Збруев, ч. 1.
20.35 Д/ф «Шамбор. Воздушный замок из камня».
20.50 «Острова», Е. Баур.
21.35 «Тем временем».
22.55 «Про АРТ».
23.30 «Экология литературы».
23.50 Д/ф «Час ноли».
23.50 Д/ф «Страна багетов».
01.35 Д/ф «Шамбор. Воздушный замок из камня».

СТС

07.00 Т/с «Зена - королева воинов».
07.55 М/с «Смешарики».
08.00 11.30 18.00 Т/с «Моя прекрасная няня».
08.30 20.00 Т/с «Патвиз дари».
09.00 «Что умнее летит: самолет?».
09.10 19.30 01.00 История в деталях».
10.00 22.00 Т/с «Кто в доме хозяин?».
11.00 17.30 «Галилео».
12.50 Т/с «Одна ночь любви».
13.30 Комедия «Люба, дати и завод».
14.00 М/с.
15.00 «Чокулий».
16.30 «Ким Пил-с-поссом».
17.00 Комедия «Сабрина» — маленькая шария».
18.30 Т/с «Тайны Сицилия».
21.00 Т/с «Ивантти».
22.30 Х/ф «Иностранцы».
00.20 «6 кадров».
01.30 Т/с «Х».

ТВ3

07.00 М/ф.
08.15 М/с «Уоттер Мелон».
08.45 М/ф.
10.00 19.00 Т/с «Барфиз» — истребительная кимпирова».
11.00 Х/ф «Защитка для чемпионов».
13.00 Д/ф «Гардушители мифов».
14.00 18.00 Т/с «Звездные врата».
15.00 Д/ф «Загадки «Мастера и Маргарити»».
16.00 Городские легенды. Неизвестное метро севия Романович».
17.00 Т/с «Удивительные истории».
17.30 Т/с «Томкин-оборотны».
20.00 Т/с «Медмул».
21.00 Д/ф «Тайные знаки. Распутия. Царствитель у престол».
22.00 Х/ф «Милосердие авулан».
00.00 Т/с «3а гранью возможности».
01.00 Х/ф «Вернем на пугел».
Прорелистик».

ТНТ

05.00 Т/с «Любовь и тайны Санкт Бени».
05.55 «Глобальные новости».
06.00 12.30 18.00 Токсик».
06.50 М/с «Он, уне эти детал».
07.00 18.30 Москва: инструкция по применению».
07.30 «Нобилизацион, но фаст».
08.20 13.00 Т/с «Саша-Милан».
09.00 17.00 19.00 Т/с «Счастливы вместе».
10.00 М/с.
13.30 20.00 22.50 00.55 «Дом 2».
15.05 «Дилега» «Видеок».
21.00 Комедия «Продак и негоного кроме».
23.20 «Сен» с А. Чеховой.
23.50 Наши песни».
00.05 «Дуэне дати 2».
01.50 Голые стены».

2008-йil 28-март
13 (810)-son

Хабар

STON

5.55 Куратаулар дастури.
6.00 «Ассалом, Забекистон!»
7.00 «Сарой хазинари». Т/с.
7.35 «Минг бир ривоят».
7.40 «Дилуш наволар».
8.00-8.35 «Абботот».
8.35 «Олтин мерос».
8.40 «Юсуф ва Зулайха». В/ф.
9.15 «Юртин булалаб» дастури: «Муқад-
дас қадимколлар»
«Болалар сайраси»
9.40 «Ила, Ила, Топ!»
10.20 «КучуқРинг».
10.50 «Сизнинг адрокатингиз».
11.00 «Абботот».
11.10 «ТВ шифокор».
11.15 «Анчик вилгон». Т/с.
11.50 «Абботот» /инглиз/
12.00 «Ассалом, Забекистон!»
13.00 «Сунги қиролча». Т/с.
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Абботот».
14.20 Эски альбом.
14.25 «Гулкан атрофидоғилар». Т/с.
15.00 «Юртин булалаб» дастури: «Муқад-
дас қадимколлар»
15.30 «Заковат».
16.35 «ИИВ хабарлари».
16.50 «Наврў наволари».
17.00 «Абботот».
17.15 «Олтин мерос».
17.20 «Наврў навашидан». 2-қисм.
«Болалар сайраси»
17.40 «Эрталкар - яшилкача етаклар».
17.55 «Худдалар ҳаёти».
18.10 «Гулкан атрофидоғилар». Т/с.
18.55 «Рангин дунё».
19.15 «Одингал оғушида».
19.25 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
20.00 «Абботот». /рус/
20.15 «ТВ шифокор».
20.10 «Анчик вилгон». Т/с.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Абботот».
21.35 «Кучуқ ҳаёти».
21.55 «Сунги қиролча». Т/с.
23.00 «Кўшимча, муҳаббат». /SMS/

23.10 «Векдан». Т/с.
23.50-23.55 Тунги наволар.
«Uzbekistan».
23.55 Куратаулар дастури.
24.00 «Юсуф ва Зулайха». В/ф.
00.05 «Юртин булалаб» дастури: «Муқад-
дас қадимколлар»
01.00 «Абботот». /рус/
01.35 «Ешлар майдоғи».
02.25 Спорт - минг қайтма».
03.00 «Абботот» /инглиз/
03.10 «KINOMANIYA».
03.40 «Истелод».
04.00 «Абботот».
04.30 Эски альбом.
04.35 «Минг бир ривоят».
04.40 «Рангин дунё».
05.00 «Гулкан атрофидоғилар». Т/с.
05.40-05.55 Тонги наволар.

SPORT

6.55 «Ақшодлар садоси».
7.00 «Мультианорамма».
7.40 «Каминанг оиласи».
7.55 «Навои ҳазинаси».
8.00 «Ешлар майдоғи».
9.00 «Камлот».
9.10 «Нарисат олами».
9.20 «Алия». Т/с.
10.00 «Давр».
10.10 «Ешлар ила саҳнат».
11.00 «Футбол-2008».
11.40 «Қилқоқ».
12.00 «Жумон». Т/с.
12.40 «Каминанг оиласи».
12.55 «Ватан меҳри».
13.00 «Давр».
13.10 «Вотанпарвар».
14.00 «Пуаро». Т/с.

14.50 «Ешлар йили».
15.00 «Ешлар майдоғи».
16.00 «Давр».
16.10 «Амир Темур». Т/с.
16.40 «Биз қиммат?»
17.00 «Давринг боласи».
17.10 «Болалар тақвими».
17.15 «Болалар бабоси».
17.20 «Мультианорамма».
18.00 «Мули муноза».
18.15 «О, ешлар!»
18.20 «Аёл қалби». Т/с.
18.55 «Кўрт тилчил».
19.00 «Давр».
19.30 «Алия». Т/с.
20.15 «Табасум қил!»
20.20 «ТВ-банк».
20.30 «Кўкам наволари».
20.50 «Каминанг оиласи».
21.10 «Жумон». Т/с.
21.55 «Талтуғда».
22.00 «Давр».
22.50 «Автоматруль».
22.50 «Хайт-мамонт». Т/с.
23.35 «Таксин».

COMMERCE

17.50 Куратаулар тартиби.
17.55 Мультифилм: «Мағлиб». 2-қисм.
18.10 21.50 «Телекурьер - маркет».
18.25 «Билдоғим».
18.30 «Пошта».
18.50 «Камилла». Т/с.
19.20 «ТВ крист».
19.25 «Музыка SMS».
19.50 «Хумоя».
20.00 «Пошта» /рус/
20.15 «ТВ крист» /рус/
20.20 «Милграстор. Т/с./рус/
20.50 «Репортаж».
21.00 «Қозилба».
21.30 «Пошта».
21.45 «Тошкентда залиф».
22.10 «Моим» /рус/
22.30 «Пошта» /рус/
22.45 «Қино SMS со звездами»
22.50-00.10 Юно: «Мистер Бин на от-
дыке»

SPORT

7.00 «Борозе уроч».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида)
8.25 «Малховч +»
9.30 «Хабарлар» (узб, тилида)
9.50 Серилл «Татлийн день»
11.25 «Мойтирне»
11.45 Эркин Кураш. Республика тур-
нири.
12.05-12.20 Спорт - минг қайтма».
18.00 «Боллар оспит».
18.15 «Мир природы». Д/к фильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида)
18.55 «Музыкай тайм».
19.15 «Жаҳон спорт қудуэлари».
19.30 Чемпионат лигаси қудуэлари.
19.50 «Колер, Superlotto». Телелотерея.
20.00 Волебол. Лига чемпионион. «Фил-
нал чемпион». Мусхана. Синдл.
20.40 «Менге Ермак». Серилл.
21.30 «Хабарлар» (узб, тилида)
21.55 Семейный спорт: «Соленый во-
дух». Х/ф.
23.20 Валлопорт. Чемпионат мира на
треке.
23.40 Футбол. Европа чемпионионли лигаси.
1/4 финал «Роман» (Италия) -
«Манчестер Юнайтед» (Англия). Танга-
футсал «Футбол курдал».
01.40 «Туннизи оуда бўлин»

БИРИНЧИ

4.00 8.05 Телеканал «Доброе утро»
8.05 11.00 14.00 Новости
8.25 «Малховч +»
9.25 «Контрольная закупка»
10.00 «Убойная сила». Т/с.
11.15 «Мозайный приговор»
12.20 «Детективы»
13.00 Другие новости

13.25 «Понят, Простить»
14.00 «Мой папа-Шалани»
15.00 «Огонь любви». Т/с.
15.50 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.20 «Путь истории»
18.05 «Снед»
18.55 «Принцесса цирка». Т/с.
20.00 2.00 Время
20.30 «И все-таки я люблю...» Т/с.
21.25 «Предсказатели»
(Италия) - «Манчестер Юнайтед»
(Англия).
01.45 Футбол. ЛН. 1/4 финала.
«Шальке 04» (Германия) - «Боруссия»
(Израиль).
03.50 Футбол. Обзор Лиги чемпионов.
04.40 Автопорт. ЧМ по ралли.

Чоршанба

05.45 Футбол. Премьер-лига.
07.45 10.00 14.30 16.50 23.05 «Вести-
спорт»
08.01 09.00 «Зарда с чемпионом»
08.15 М/ф «Мугил»
08.35 М/с «Что нового, Скуби-Ду?»
09.15 Т/с «Своя команда»
09.45 «Мастер спорта»
10.10 «Спортивная усадьба»
10.45 04.40 Баскетбол. Открытый
чемпионат России. Спринт.
14.45 Футбол. ЛН. 1/4 финала.
«Шальке 04» (Германия) - «Боруссия»
(Израиль).
17.05 Лыжный спорт. Гран-При «Спринт»
Тур. Горный спорт.
19.20 «Путь Дракона»
19.55 Баскетбол. ЧР.
21.25 Замыная игра.
22.10 03.50 Футбол. Обзор Лиги
чемпионов.
23.30 Футбол. ЛН. 1/4 финала.
«Фрайбург» (Германия) - «Челси»
(Англия).
01.45 Футбол. ЛН. 1/4 финала.
«Арсенал» (Англия) - «Ливерпуль»
(Англия).

Пайшанба

05.45 Футбол. Премьер-лига. ЦСКА
- «Спартак» (Московская область).
07.45 10.00 14.50 17.40 20.45 01.30
«Вести-спорт»
08.00 09.00 «Зарда с чемпионом»
08.15 М/ф «Мугил»
08.35 М/с «Что нового, Скуби-Ду?»
09.15 Т/с «Своя команда»
09.45 «Мастер спорта».

10.10 «Путь Дракона»
10.40 Баскетбол. Открытый чемпионат
России. Гонка преследования.
12.40 Футбол. ЛН. 1/4 финала.
«Оверблос» (Греция) - «Челси»
(Англия).
15.05 Футбол. ЛН. 1/4 финала
«Арсенал» (Англия) - «Ливерпуль»
(Англия).
17.10 «Тонка отрыва»
17.55 01.40 «Хоккей Россия»
20.15 ИЕ по стрельбе
21.00 Футбол. Кубок УЕФА. 1/4
финал. «Байер» (Германия) - «Зенит»
(Россия).
23.35 Баскетбол. Евролига.
01.55 Футбол. Обзор Кубка УЕФА.
03.10 Футбол. Кубок УЕФА. 1/4
финала. «Бавария» (Германия) -
«Хетафе» (Испания).
05.10 «Лептоси спорт»

Жума

05.40 02.35 Хоккей. ЧР. Финал.
07.45 10.00 14.35 19.10 21.55 01.30
«Вести-спорт»
08.00 09.00 «Зарда с чемпионом»
08.15 М/ф «Кот, который гулял сам по
себе»
08.35 М/с «Что нового, Скуби-Ду?»
09.15 Т/с «Своя команда»
09.45 «Мастер спорта»
10.15 01.20 «Тонка отрыва»
10.40 Лыжный спорт. Гран-При «Спринт»
Тур. Слуп-спорт.
12.45 Баскетбол. Евролига. Мученки.
14.10 Финал. «Сильвановски» (Греция) -
ЦСКА (Россия).
14.45 «Хоккей Россия».
15.05 «Спортивная усадьба»
15.35 Футбол. Кубок УЕФА.
17.40 Футбол. Обзор Кубка УЕФА.
18.50 «Рыбалка с Радзишевскими»
19.20 02.00 «Футбол Россия»
19.55 Футбол. Премьер-лига.

22.15 «Вести-спорт. Местное время»
22.20 Баскетбол. ЧР. Мученки.
00.15 П/Б. Эдгар Соса - Брайан Вилориа.
04.40 Баскетбол.

Шанба

05.55 Футбол. Кубок УЕФА.
06.00 10.00 14.05 18.10 21.50 01.35
«Вести-спорт»
08.10 Баскетбол. ЧР. Мученки.
10.10 22.10 «Вести-спорт»
10.15 05.20 «Лептоси спорт»
10.50 Лыжный спорт.
13.00 Баскетбол. Открытый чемпионат
России. Мас-старт. Мученки.
14.15 Баскетбол. Открытый чемпионат
России. Мас-старт. Женщины.
15.20 Футбол. Журнал Лиги чемпионов.
15.55 03.20 Хоккей. ЧР. Финал.
18.25 Лыжный спорт.
19.50 Велоспорт. ЧР.
22.20 Футбол. Чемпионат Италии.
00.20 «Хоккей Россия».
00.35 01.45 Спортивная гимнастика.
07.05 Замыная игра

Якшанба

05.55 Футбол. Кубок УЕФА.
06.00 10.00 14.35 17.40 22.00 00.25
«Вести-спорт»
08.10 Замыная игра.
08.55 П/Б. Эдгар Соса - Брайан Вилориа.
10.10 22.20 «Вести-спорт»
10.15 «Страна спортивных»
10.45 Баскетбол. Открытый чемпионат
России. Эстафета. Мученки.
12.40 «Хоккей Россия»
12.55 Баскетбол. Открытый чемпионат
России. Эстафета. Мученки.
14.55 Футбол. Паренство России.
17.05 «Сборная Россия»
17.55 02.45 Баскетбол. ЧР.
19.55 Футбол. Премьер-лига.
22.30 Футбол. Премьер-лига.
00.35 Спортивная гимнастика.
04.35 Баскетбол.

ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

тевое окружение» банди мавжуд. Бу папкада бошқа компютерлардаги ресурслар акс этган.

Қимматли ва муҳим ресурслардан тизимда фойдаланиш имконини бериш тавсия этилмайди.

Иккинчи дарс учун амалий вазифалар

1-вазифа. Мавжуд ҳужжатни очиш.

1. Paint да ишни бошлаш.
2. «Файл» менюсидан «Открыть»ни танлаш.
3. Пайдо бўлган ойнадан «Мое имя»ни танлаш.
4. Керакли файлни танлаш
5. «Открыть»ни босиш.

2-вазифа. Содда матнни териш.

1. «Блокнот» дастурини ёқиш.
2. Матнни териш. (Матн куйида илова қилинмоқда.)
3. Шрифтни Bookman Old Style 14pt шрифтига ўзгартириш.
4. Шрифтни бошланғич ҳолига қайтариш.
5. Ҳужжатни ўз папкангизда сақлаб қўйинг.
6. Блокнот дастурини ёпинг.

Матн

Дунёқараш тушунчаси. Ҳар бир кишининг дунёга нисбатан ўз қараши, ўзи ва ўзгалар, ҳаёт ва олам тўғрисидаги тасаввурлари, хулосалари бўлади. Ана шу тасаввурлар, тушунчалар, қараш ва хулосалар муайян кишининг бошқа одамларга муносабати ва кундалик фаолиятининг мазмунини белгилайди. Шу маънода, дунёқараш — инсоннинг тевақал-атрофини қуршаб турган воқеийлик тўғрисидаги, оламнинг моҳияти, тузилиши, ўзининг ундаги ўрни ҳақидаги қарашлар, тасаввурлар, билимлар тизимидир. Дунёқараш — оламни энг умумий тарзда тасаввур қилиш, идрок этиш ва билишдир.

Дунёқарашнинг бир кишига ёки алоҳида шахсга хос шакли индивидуал дунёқараш дейилади. Гуруҳ, партия, миллат ёки бутун жамятга хос дунёқарашлар мажмуаси эса, ижтимоий дунёқараш деб юритилади. Ижтимоий дунёқараш индивидуал дунёқарашлар йиғиндисидан дунёга келади, дейиш мумкин. Бунда ижтимоий дунёқарашнинг умумий ва хусусий шакллари ҳисобга олиш лозим.

Давоми бор.

8

КОМПЮТЕР САБОҚЛАРИ



Ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлаш ва қайта тайёрлаш маркази ҳамда «Хабар» газетаси тахририяти

(Давоми. Бошланиши газетанинг 9-сонида.)

Расм бўлагини кўчириш

Расм бўлагини «Выделение» асбоби ёрдамида ажратиб, курсорни ажратилган бўлак устига олиб келиш, сўнгра сичқончанинг ўнг тугмасини босиб туриб бўлакни ўз жойидан кўчиришимиз мумкин.

Расм бўлагидан нусха олиш

Расмнинг хоҳлаган бўлагидан нусха олиш учун унинг бўлагини «Выделение» асбоби ёрдамида ажратиб «Правка» менюсидан «Копировать», сўнгра эса «Вставить» амалини бажаришимиз зарур. Зарур бўлса нусхани курсор ёрдамида керакли жойга ўрнатишимиз мумкин.

«Выделение» асбоби ёрдамида ажратиб, курсорни ажратилган бўлак устига олиб келиб Ctrl тугмасини босиб турган ҳолатда уни кўчиришимиз мумкин.

Текст (матн) асбоби

Иш услуби:

- «Текст» асбобини танлаш;
- сичқонча ёрдамида ишчи худуд бўлагини танлаш;
- клавиатурадан ихтиёрий матнни киритиш;
- матнни матн воситалари ёрдамида сошлаб олиш;
- сичқончанинг чап тугмаси билан ишчи худуднинг ихтиёрий жойини белгилаш.

1

Таблица — объектларни ҳажми, тури, ўзгатирилгани, номи ҳақидаги маълумотни чиқаради.

Эскизы страници — ойнада график файллар, веб-саҳифаларнинг ички тузилмаси ойнада кичик расм кўринишида акс эттирилади.

«Адресная строка» асбоблар панели

Қаттиқ диск ёки тизимдаги папка ёки файлни очиш учун «Адресная строка» асбоблар панелининг манзил қаторига файл номини ёки унга олиб борувчи аниқ манзилни киритинг, сўнгра Enter ёки Переход буйруғини беринг.

Файлларнинг турлари

- .doc – Microsoft Word ёрдамида яратилган матнли ҳужжат.
- .xls – Microsoft Excel математик жадвали.
- .bmp – Paint дастурининг график файллари.
- .txt – Блокнот дастурида яратилган матнли файл.
- .exe – дастурни (саҳифаларни) юклатиш файли.

Файлларни турларга ажратиш нима учун керак? Жавоб — тизим файлни қайси дастур ёрдамида очиши лозимлигини аниқлаши учун.

Файл ёки папкани қандай топиш мумкин?

Пуск менюсидаги **Найти файли и папки** буйруғи «Результаты поиска» (Қидирув натижалари) ойнасини очади, бу эса папка ва файлларни қаттиқ диск, компакт-диск, эгилувчан диск, бошқа компютерлардан (агар локал тармоқ мавжуд бўлса), шунингдек, одамларни ҳам (интернет мавжуд бўлса) топиш имконини беради.

«Результаты поиска» ойнасини акс эттиришнинг бошқа усуллари:

Мой компьютер ёки ишчи столидаги бирор дастур ойнаси ишлаб турган пайтда F3 тугмасини босиш;

Мой компьютер ёки **проводник** ойнасидаги асбоблар панелида **поиск** буйруғини беринг.

Файл ва папкаларни қидирув жараёни уларнинг маълум параметрларини кўрсатишга асосланган бўлиб, бу компютерга мавжуд параметрларга эга бўлган объектларни топиш имконини беради. Қидирув ойнаси уч банддан иборат:

Имя и местоположение (номи ва жойлашуви) – объект номи бўйича қидириш имконини беради. Бунда шундай номга эга ва

6

Қайта номлаш

А) Папка ёки файл КМни чақириш (устига сичқончанинг чап тугмасини босиш) ва амаллар ичидан «Переименовать» амалини танлаш, янги ном киритиш ва «Enter» тугмасини босиш керак.

Б) Файл номи устига сичқонча ёрдамида икки марта тез босиш (босишлар орасида бир вақт танаффус ушлаш даркор, бўлмаса файл очилиб кетиши мумкин).

В) Папка ёки файлни ажратиб (сичқончанинг чап тугмаси босилади) менюга кириб «Файл», сўнгра «Переименовать» (агар файл папка ичида бўлса).

Кўчириш

А) Курсорни файл ёки папка устига келтириб, сичқончанинг чап тугмасини босган ҳолда файлни ушлаб олиб кўчириш. Бунда файл бир худуд микёсида кўчади. Аммо кўчириш жараёнида курсорни бошқа файл ёки папкага олиб борсак, файл ўша жойга кўчади.

Б) Файл ёки папка КМни чақириш ва «Вырезать» амалини танлаш, кўчириш амалга оширилаётган жойда ҳам КМни чақириш ва «Вставить» амалини бажариш.

Нусха олиш

А) Кўчиришда сичқонча ёрдамида файлни ушлаб кўчиришдагидек амалга оширилган амаллар қайтарилиб, фақатгина «Ctrl» тугмаси ишлатилиши керак. Олинган нусха курсор ёрдамида бошқа папкага ҳам кўчирилиши мумкин.

Б) Файл ёки папка КМни чақириш ва «Копировать» амалини танлаш сўнгра кўчириш амалга оширилаётган жойда ҳам КМни чақириш ва «Вставить» амалини бажариш. Объект ҳақидаги бирламчи маълумот ҳам алмашинув буферига ўтказилади.

Ўчириш

Ўчириш мобайнида файл «Корзина»га кўчирилади ёки умуман хотирадан тикланиб бўлмас равишда ўчиб кетади.

Корзина – бу ўчирилган файлларни сақлаш жойи бўлиб, корзинага кўчирилган файлларни қайта тиклаш мумкин. Корзинадан ўчириш эса файлни буткул хотирадан ўчириб ташлайди.

Корзинага ўчириш:

- А) Файлни ажратиш ва «Delete» тугмасини босиш.
- Б) Файл КМни чақириш ва «Удалить» амалини танлаш. Компютер хотирасидан ўчириш: Корзинага ўчиришда амалга оширилган ҳаракатлар «Shift» тугмаси босилган ҳолатда амалга оширилади.

3

Блокнот матнли тахрирловчиси (дастури)

Блокнот — бу энг содда матн дастури (тахрирловчи) бўлиб, у фақатгина матн киритиш учун ишлатилади, унга расмлар ва жадваллар киритиш мумкин эмас. Блокнотда фақат бир шрифт бир турдаги катталликда мавжуд.

Блокнот интерфэйси «Paint»-никага ўхшаш.

Тизимли меню матн билан ишлаш учун ихтисослаштирилган бўлиб, «Правка» менюсида бир қатор график дастурларга хос амаллар мавжуд эмас, аммо «Поиск», «Замена» каби амаллари яратилган.

Матнни териш (киритиш)

Матнни киритиш учун клавиатурадан фойдаланилади. Клавиатура тугмаларининг устки қисмида жойлашган белгилардан лотин ҳарфларини ёзишда фойдаланилади, пастки қисмдаги белгилар эса кирилл ҳарфлари ёзувида ишлатилади. Агарда клавишларда белгилар бир қаторда жойлашган бўлса чап томонда жойлашганларидан лотинча ҳарфларда фойдаланиш мумкин. Юқори ва куйи регистрларда жойлашган белгилар ҳам фарқланиб, улардан пастда жойлашганлари доим ёқилган туради. Агар устки белгилардан фойдаланиш даркор бўлса, белгини Shift тугмаси билан ёки Caps Lock тугмасини ёқиб танлаш лозим. Клавиатуранинг киритиш тилини ўзгартириш учун Ctrl+Shift (Alt+Shift) тугмалари қўлланилади.

Windows объектлари билан ишлаш

Яратиш

А) Папка файл ва иш столи бошқа элементларидан холи контекст меню (КМ) чақирилади ва унинг амаллари орасидан «Создать» танланади ва рўйхатдан керакли элемент ажратилади. КМни сичқончанинг ўнг тугмасини босиб чақиритиш мумкин. Шундан сўнг яратилган элемент номланади ва «Enter» босилади.

Б) Файл менюсига кириш ва «Создать» амалини танлаш ва керакли элементни ажратиш. Бу усул яратилган папка ичида янги папка яратиш учун қўлланилади.

В) КМни ишчи ҳудуднинг эркин ҳудудига чақиритиш ва «Создать» амалини бажариш бунда ҳам мавжуд папка ичида янги яратилади.

2

ўхшаш барчи файл ва папкалар намоён бўлади. Шунингдек, «Где искать» майдонидан қаерда қидириш кераклигини ҳам киритиш лозимдир. Бу ерга папка номини ёки кенг қидирув учун бутун компьютер дискларни кўрсатиши мумкин. «Искать текст» майдонидан эса қидирилаётган матндаги бирор қатор ёки сарлавҳани киритиб қидирувни амалга ошириш мумкин. «Обзор» тугмаси қидирув жойини ўзимиз аниқлаб беришимиз учун зарур.

• **Дата** — қидирув миқёсини объект яратилган, ўзгартирилган ёки охириги марта мурожаат этилган санаси бўйича қидиришни олиб бориб, уни қисқартириш имконини беради. Агарда «все файлы» майдонига мурожаат этилса, бу қидирувни барча файллар бўйлаб уларнинг яратилиш, ўзгартириш саналарини ҳисобга олмаган тарзда олиб боради. «Найти все файлы» майдони тўғрисида очилувчан рўйхат бўлиб, унда файлларнинг турлари (очилган, яратилган, ўзгартирилган) мавжуд. У ерда жойлашган «между» буйруғи саналар диапазонини киритиш имконини беради. «За последние» майдонида охириги давр мобайнида файл очилгани, яратилгани, ўзгартирилгани ҳақидаги маълумот кўрсатилади.

• **Дополнительно** — қўшимча қидирув параметрларини киритиш имконини беради. «Тип» файлнинг қай бир дастур ёрдамида яратилганини англатади. «Дополнительно» бандида «Искать во вложенных папках» буйруғини кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Маълумотлар билан уйғунликда иш олиб бориш

Бир қанча компьютерлар бир-бирлари билан махсус қурилмалар (тизим қарталари ва бошқалар) ёрдамида улаишлари мумкин.

Биз ўз компьютеримиз файл ва папкаларига тизим орқали мурожаат этиш имконини яратишимиз мумкин:

1. Папканинг контекст менюсидан «Свойства» бандини танлаш.
2. Пайдо бўлган ойнадан «Доступ» бандини танлаш.
3. «Открыть общий доступ» буйруғини бериш ва папкага бошқа фойдаланувчилар кўриши учун янги ном бериш ва ОК тугмасини босиш.

Бошқа компьютерлардаги ресурсларга мурожаат этиш учун «Се-

7

Биринчи дарс учун амалий топшириқлар

1-вазифа. Windowsни ёқиш ва ўчириш.

Компьютерни ёқиш — Power тугмасини босиш.

Windows тизимига кириш.

Windows ишини тугатиш — Пуск менюсидан «Завершение работы» амалини танлаш.

2-вазифа. Компьютер бошқарув тугмалари билан танишув.

«Мой компьютер» объектини очиш — белгига сичқончанинг чап тугмасини икки марта босиш.

Ойнани бутун иш столи бўйлаб ёйиш.

Қайта ўз ҳолига қайтариш.

Ойнани яшириш.

Ойнани ёпиш.

3-вазифа. Дастурни юклаш.


«Пуск» менюсини танлаш.

«Все программы» бандини танлаш.


Пайдо бўлган менюдан «Стандартные» бандини танлаш.

«Стандартные» менюсидан Paintни танлаш


4-вазифа. Куйида келтирилган расмларни чизинг.




Рисун 1.1.



Рисун 1.2.



Рисун 1.3.



Рисун 1.4.

4

Иккинчи дарс.

Ишчи ҳудуд билан танишув

Мой компьютер ойнаси компьютернинг ички тузилмаси ва тармоқ ресурсларини кўриш, қўшимча папкаларни яратиш, файл ва папкалардан нусха олиш, кўчириш, қайта номлаш, ўчириш, тузилмани созлаш учун ишлатилади. Ойна бевосита иш столидаги **Мой компьютер** дарчаси орқали очилади.

Мой компьютер ойнасида куйидаги асбоблар панелини кўришимиз мумкин. Булар: **Обычные кнопки**, **Адресная строка**, **Ссылки**, **Вид**, **Панели инструментов** буйруқларидир. Асбоблар панелидаги акс эттиришнинг иккинчи усули — бу меню қаторига ёки бирор панелнинг бўш жойига сичқонча ўнг тугмасини босиш ва контекст менюдан панел номини танлаш.

«Обычные кнопки» асбоблар панели:

«Обычные кнопки» асбоблар панели тугмачалари кўп ишлатиладиган буйруқларни алоҳида ойна очмасдан бажариш имконини беради.

• **Назад**, **Вперед** — бундан олдин фойдаланувчи томонидан кўрилган папка ёки файлга, ҳужжат, веб-саҳифа, объектга у қай кетма-кетликда кўрилган бўлса, шу кетма-кетликда ортга ёки олдинга мурожаат этиш имконини беради.

• **Вверх** — объект ўзи жойлашган бирламчи, бош папкага қайтиш имконини беради. Бу тугмани яна ортга қайтариш тугмаси ҳам деб аташади.

• **Поиск** — фойдаланувчи ойнасининг чап қисмида Поиск (қидириш) панелини яратади.

• **Вид** — Папка ички тузилмасини куйидаги кўринишда акс эттириш имконини беради:

Крупные значки — папка ва файллар номлари устида катта белгилар пайдо бўлади.

Мелкие значки — папка ва файллар номлари олдида кичик бўлган белгилар пайдо бўлади.

Список — ойнада жойлашган объектлар алифбо тартибда номлари бўйича тартибланади.

5

Сурхон воҳасини радио ва теледастурлар билан таъминлаш мақсадида XX асрнинг олтинчи йилларида Денов шахрининг шимолидаги Ҳисорак тоғ тизмаларида изланиш ишлари олиб борилди ва Вахшвор қишлоғи яқинида, денгиз сатҳидан 1600 метр баландликда телесигналларни қабул қилиш мумкин бўлган майдонча аниқланди. Шу майдончада Вахшвор радиотелевизион станциясини қуриш бошлаб юборилди. Бу ишлар Денов қурувчилари томонидан бажарилди: техник бино, дизел ўрнатиш учун алоҳида хона, мўъжазгина телемачта қурилиб, унга қабул қилувчи ҳамда тарқатувчи антенналар мажмуаси ўрнатилди.

Сурхон воҳасида радиотелевидение



1965 йили минтақада 100 ватт қувватга эга ТРСА-56 телевизион узатгичи ишга туширилиши натижасида Вахшвор телестанциясидан узатилаётган телесигналларни Сурхон воҳасининг шимолий минтақаси аҳолиси билан бир қаторда Тожикистоннинг воҳа билан чегарадош минтақалари аҳолиси ҳам қабул қила бошлади. Шу тариқа, интизорлик билан кутилган телевидение хонадонларга кириб келиб, воҳа ахлига катта қувонч бахш этди.

Воҳада телекўрсатувларни ташкил қилиш мақсадида олиб борилган машаққатли изланиш ва телестанцияни қуриб ишга тушириш ишларини амалга оширишда тошкентлик ва самарқандлик мутахассислар билан бир қаторда, маҳаллий мутахассислар, жумладан, Л.Невиний, Т.Хабиров, Н.Холов ва Т. Ниёзовларнинг ҳиссалари беқиёс бўлди.

Вилоятнинг жанубий туманлари ва Термиз шаҳри аҳолисини Тошкент телерадиодастурлари билан таъминлаш учун катта қувватли радиотелевизион ва радиореле станцияларини қуриш режалаштирилди. Кидирув-ўрганиш ишлари Жарқўрғон туманидаги Ховдак тепалиги жанубий туманлар учун телерадио тўққинларини тарқатиш, РТС қуриш ва радиореле сигналларини Саримас (Бойсун) радиореле станциясидан қабул қилиб Вахшвор радиореле станциясига узатиш учун энг қулай жой эканлиги аниқланди. 1963 йили қурилиш ишлари бошланди. Лойиҳага асосан, Тошкент-Самарқанд-Одамтош (Дехқонбод тумани) радиореле линиясининг давоми сифатида, Р 60/120 русумли радиореле техник жиҳозлари асосида Одамтош-Саримас-Жарқўрғон-Вахшвор (давони Душанбе шаҳри томон йўналтирилган) радиореле линияси 1965 йили қуриб битказилиб, телерадиодастур сигналлари узатила бошланди. Шу йили қуриб битказилган Жарқўрғон РТСда «Якорь 5/1,5» русумли телевизион, «Дождь-2» русумли радио узатгичлар ва телемачтада антенналар мажмуаси ўрнатилиб, катта қувватли РТС фаолият бошлади. Натижада вилоят ҳудудининг катта қисмида, жумладан, Термиз шаҳридаги хонадонларда телевизор қуриш ва радио эшитиш имконияти яратилди.

1970 йили Жарқўрғон РТСда Ўзбекистоннинг иккинчи теледастурини тарқатиш

учун «Зона-5/1» русумли узатгич ўрнатилиб, ишга туширилди.

Вилоят асосий телестанциясининг бунёдкор ишлаши, қайта жиҳозланиши, шу билан бир қаторда, ёш мутахассисларни тарбиялашда РТС бошлиғи Э.Бойматов, Ж.Искандаров, Б.Қурбонов ва Н.Югай сингари маҳаллий мутахассисларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Мамлакатимизда телекўрсатувларни ва радиозастиштиришни ривожлантириш режасига асосан, 1982 йили Термиз РТСи ишга туширилди. Вахшвор РТСда икки дастурли «Дождь-2» радиозастигичи ўрнатилиб, барча радиореле станциялар замонавий техник ускуналар билан қайта жиҳозланди.

Телекўрсатувлар ва радиозастиштиришлар қамровини кенгайтириш, дастурлар сонини кўпайтириш ва сифатини кўтариш борасида амалга оширилган ишларда сурхондарёлик мутахассислар қашқадарёлик ҳамкасблари билан ҳамжиҳатликда фаол қатнашдилар. Чунки, у даврда Сурхондарё вилоятининг телерадиодастурларини тарқатиш тизими Қарши радиотелевизион узатиш маркази тасарруфида бўлган.

1984 йилда ҳукумат қарори билан Сурхондарё вилоятининг жанубий туманлари аҳолисини сифатли учта теле ва иккита радиодастур билан таъминлаш мақсадида Термиз тумани «Халқобод» жамоа хўжалиги ҳудудида катта қувватли Учқизил радиотелевизион узатиш станциясини қуриш ишлари бошлаб юборилди. Учқизил телеминораси 1988 йили қуриб битказилди ва бу телеминора баландлиги жиҳатидан нафақат республикаимизда, балки Марказий Осиёда, Тошкент ва Олмаотка телеминораларидан сўнг, учинчи ўринда туради. Сўнг техник иморатлар ва муҳандислик коммуникацияларини қуриш ишлари бошланди. 1990 йили қурилиш ишлари тугалланиб, қуввати 50/5 киловатт бўлган замонавий, АТРС русумли иккита телеузатгич, икки дастурли «Дождь-2» русумли радиозастигичи узатгичи ва радиореле станцияси жиҳозлари ўрнатилиб, станция ўз фаолиятини бошлади.

Сурхондарё вилояти ҳудудидаги РТСларда ишлаб турган ўнга яқин катта ва ўрта қувватли теле ва радиозастигичлар, ўттиздан ортиқ микротелеузатгич-



лар ҳамда бир неча юз километр радиореле линиялари Қаршидан бошқарилар, табиийки, бундай бошқарув бир қанча муаммоларни келтириб чиқарар эди. Бу муаммоларни бартараф этиш ва вилоятда телекўрсатув ва радиозастиштиришларни ривожлантиришни жадаллаштириш ва бошқарувни такомиллаштириш мақсадида 1991 йил Радиоалоқа, радиозастигичириш ва телевидение ишлаб чиқариш бошқармасининг тасарруфида Сурхондарё радиотелевидение узатиш маркази (РТУМ) ташкил этилди ва Ботир Қурбонов унга бошлиқ этиб тайинланди. РТУМ маъмурияти ўз фаолиятини Учқизил РТС биносида бошлади, сўнгра 1997 йили Термиз шаҳрига кўчирилди.

2000 йилнинг бошларида келиб соҳани ривожлантиришга чет эл инвестицияси кириб кела бошлади. 2002-2003 йиллари радиотелевидение узатиш станцияларини қайта жиҳозлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, JBIC лойиҳаси бўйича 2005 йили воҳа РТСларини қайта жиҳозлаш мақсадида Учқизил ва Вахшвор станцияларида Япониянинг NEC компаниясида ишлаб чиқарилган PCU-1305SSPQ/1 русумли замонавий узатгичлар ўрнатилиди. Ушбу аппаратура ўзининг сифатлиги, иқтисодий самардорлиги, ихчамлиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 12 сентябрдаги «Йўлдош алоқа тизими орқали телерадиозастигичиришларини ташкил этиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чоралари тўғрисида»-ги Қарори бажарилишини таъминлаш мақсадида вилоятда кенг қўлдан ишлар бошлаб юборилди. Хитой Халқ Республикаси имтиёзли кредити ҳисобидан «Алкател Шанхай Белл» компанияси билан биргаликда лойиҳани амалга оширишга киришилди.

2006 йили телерадиозастигичириш сифатли этиб бормаётган 112та чекка ва олис тоғли қишлоқ аниқланиб, уларда Ернинг сунъий йўлдоши орқали тарқатилётган «Ўзбекистон» телерадио дастурларини қабул қилиб узатадиган 10, 100 ва 1000 ватт қувватга эга ТВ ва FM узатгичлар ўрнатилиб, аҳолига сифатли телерадиозастигичиришлари тарқатила бошланди. Натижада вилоятнинг барча ҳудудида «Ўзбекистон» телерадио дастурлари билан қамраб олиш 100 фоизга етказилди ва телекўрсатув, радиозастигичиришлар сифати яхшиланди.

Ушбу инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда РРТМ ва РТУМ мутахассислари Япония ва Хитой мутахассислари билан биргаликда иш олиб боришди. Ишларни тез ва сифатли бажаришда Бухоро РТУМ мутахассиси З.Тўхтаев, РТУМ бош муҳандиси М.Лолахонов, М.Қурбонов, станция бошлиқлари Ш.Саидов, О.Пардаев, Р.Абдуназаровлар, мутахассислар — Ш.Лолахонов, Ф.Дўстмуродов, Х.Бегматов, А.Анваров, Т.Абдуназаров, А.Зиёев, Ч.Мирзаев, Н.Сатторов, С.Мунонов, Н.Хўжаёров, О.Шайманов, Х.Омонқулов, Ш.Буғаёров ва бошқалар фаол иштирок этдилар.

М.АТАМУҲАМЕДОВ,
РРТМ бош директори,
М.ЛОЛАХОНОВ,
Сурхондарё РТУМ бошлиғи

КИТОВ JAVONINGIZGA

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланишида инвестициялар муҳим ўрин тутади.

Зарур қўлланма



Республикаимизда ушбу жараёни ривожлантиришга қаратилган қатор муҳим чоратadbирлар мунтазам амалга ошириб келинмоқда, инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган. Хориждан жалб қилинадиган инвесторлар учун турли кафолатлар берувчи қонун ва меъёрий ҳужжатлар яратилди ва улар бозор иқтисодиёти ривожлана бориши билан такомиллаштириб борилмоқда.

Яқинда Тошкент молия институтини катта ўқитувчиси Азамат Узоқов ва «Эффе́ктомолия» ўқув маркази бош директори Неъматулло Кенжаевларнинг ҳаммуаллифлигида тайёрланган «Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш» номли ўқув қўлланма босмадан чиқди.

Ушбу қўлланмада бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларни ташкил этиш, уларни молиялаштириш, самарадорлигини баҳолашнинг услубий ва назарий асослари ёритилган. Асосий эътибор жаҳон амалиётида қабул қилинган кўрсаткичлар тизими бўйича инвестиция лойиҳаларининг молиявий-иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг янги усулларига, молиялаштиришнинг янги манбаларини ўрганишга қаратилган.


Ўқув қўлланма олий ўқув юртларининг иқтисодиёт соҳасидаги аспирант ва ўқитувчилар учун мўлжалланган.

“OQLAR BOSHLAYDI VA...”

Газетамизнинг 2008 йил 14 март, 11 (808)-сонида чоп этилган шахмат масалаларига наманганлик муштарийимиз Абдулхай Нишонов тўғри жавоб йўллаш билан бирга, ўзи ҳам бир қатор масалалар тузиб жўнатган. Улар билан танишинг:




1-масала



Икки юришда мот

2-масала



Икки юришда мот

“Xabar”ning 2008 йил 14 март, 11 (808)-сонида чоп этилган шахмат масалалари жавоблари:

1. Г.Ловдей. “Ҳиндча масала” (тўрт юришда мот): Масаланинг бир неча хил ечими мавжуд. Муаллиф ушбу йўлни танлаган — 1. Фил c1! + b4 2. Рух d2 + b5 3. Шоҳ b1 + Шоҳ f4 4. Рух d4 #

2. “Ҳазил-масала” (0,5 юриш ...да мот) — Бу масалада h4 хонадаги оқ рух томонидан бошланган рокировкани охирига етказиш талаб этилади. Шахмат тахтасида рокировканинг фақат ярми амалга оширилган, қора шоҳни таслим қилиш учун оқ шоҳни g1, рухни эса f1 хонасига қўйиш лозим бўлади.

ХАНДАЛАР



Эркак уйқусираб, оғзини катта очиб эснади ва деди:
— Онаси, устимга кўрпача ёпиб қўй ва телевизорни ўчир!
— Нималар деяпсиз, ахир биз кинотеатрдамиз-ку!

Буви неварасини сўроққа тутди.
— Ҳўш, доктор сенга қандай муолажа қилди?
— У қўлимдан ушлади-да, соати тўғри юраётганини текшириб кўрди.



Бир эркак метрода берилиб китоб ўқир ва вақти-вақти билан ҳаяжонланиб дерди:
— Йўғе! Бўлиши мумкин эмас, ҳечам бунақа деб ўйламагандим.
Ёнида ўтирган аёл чидай олмай сўради:
— Қанақа китоб ўқияпсиз ўзи?
— Имло лўғати.



Бир талаба танишига деди:
— Дўстим, янги йилинг билан табриклайман.
— Қанақа янги йил, ҳозир июл ойи-ку!
— Мен деканатдан эшитдим, курсдан курсга қолибсан.

Тўпловчи Г.ХАЙДАРОВА

БИЛАСИЗМИ?

Дунёдаги ҳеч бир мамлакатда ҳарбий хурмат чап қўл билан билдирилмайди.

Ғарбий Африкада яшайдиган матами қабиласи футболни одамнинг бош суяги билан ўйнайди.

Англия кутубхоналарида асосан Гиннеснинг рекордлар китоби ўғирланар экан.

Монако миллий оркестрининг таркиби сон жиҳатидан унинг армиясидан кўп.

Сахрои Кабирда бир марта — 1979 йил 18 февралда қор ёққан.

Эскимослар тилида йигирмадан ортиқ сўз “қор” деган иборани билдиради.

Кейинги беш йил жараёнида Канада БМТ тарафидан тўрт марта ҳаёт кечирish учун энг қулай мамлакат деб эълон қилинди.

Қадимги Римда агар операция вақтида бемор ўлиб қолса, врачнинг қўлини кесишган.

Нил дарёсининг суви икки марта — IX ва XI асрларда музлаган.

BU — QIZIQ!

СЕМИЗЛИКНИ... ҚЎЙ КЎТАРАДИ

Небраска штатининг Омаха шахрида яшовчи америкалик ўз вазнини икки юз йигирма килограммга туширишга муваффақ бўлди. У бунга махсус парҳез ва жисмоний машқлардан иборат озиш дастурига амал қилиб эришди.

Аввал 68 ёшли Жон Лапиц уч юз килограммга яқин тош босар эди. У ёғ босиш сабабини ҳиссий беқарорликда деб билган. “Баъзан музономда 50-60 талаб бутерброд турарди ва мен нафсимни тийиб туролмасдим. Кўпинча уйлардим, қанийди бугун бирор байрам бўлса-ю, мен бутун ер шарини ютиб юборсам...” дея интервью берган РИА “Новости”га Лапиц.


У ҳар куни 20 минг килокалория атрофида овқат еган. Агар бир одам учун кечакундузда 2,5 минг килокалория меъёр ҳисобланса, Лапицнинг семизликдан ҳатто қимирлай ҳам олмай қолганига ажабланмаса бўлади. У беш йил давомида ётган жойидан турмаган. Ушбу жараённинг янада баттар бўлишини билган Лапиц озишга қарор қилди. Аввалига у ўз рационини икки бараварга қисқартирди, кейин гамбургерларни меваларга алмаштирди, сўнгра эса жисмоний машқ қилишни бошлади. Унинг биринчи жисмоний ҳаракати ётоғидан ошхонадаги қўл ювиш жойигача бўлган “сайр” билан чекланди.

“Ниҳоят, мен ҳар куни 20 километр масофага юра бошладим ва 220 килограмм озишга муваффақ бўлдим. Мен бу натижага беш йил давомида эришдим”, дейди Ж.Лапиц.

ENG, ENG, ENG...

Икки миллионлик марка

Адабий мерос қанчалик кенг миқёсли бўлишига қарамасдан, авлодларга қолдирилган ҳақиқий қўл ёзма манбалар унчалик кўп эмас. Дунёда буюк Шекспирнинг олти “автографи” мавжуд. Уларнинг энг қиммати адабиётчининг имзоси бўлиб, нархи 3 миллион АҚШ долларига баҳоланган.



Ашера — энг кам учрайдиган уй мушугидир. У Африка сервали, Осие леопардсимон мушуги ва оддий уй барогидан келиб чиққан. Мушукнинг оғирлиги 14 килограммгача етиши мумкин.



Дунёдаги энг кам ва қимматбахо почта маркаси Швецияда чоп этилган “Сариқ трескилинг” бўлиб, унинг тахминий баҳоси 2,3 миллион АҚШ долларидир.

Хитой ошхоналарида қалдирғоч уясидан тайёрланадиган шўрва сайёраимздаги энг кам ва экзотик таом ҳисобланади. Ушбу овқат тайёрланиши бошлангандан буён ўтган 400 йил давомида тенг баробар қимматлашган: денгиз ивилдириқларидан бунёд этилган уялардан тайёрланган ушбу тансиқ шўрванинг бир косаси 10 минг долларгача туради.



Олимлар отларнинг кам учрайдиган саррайа зотини Жанубий Иберия ёввойи отлари авлоди эканлигини тасдиқладилар. Бу каби отлар дунё бўйича атиги 200та қолган, холос. Айнан шу зотлар феъл-атвори ва сифати боис, ҳарбий мақсадлар учун Австрия липизсанер зотига частигирилган. Ушбу “тулпор”нинг биттаси 100 минг долларгача фойда келтиради.



У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади



SPORT

ЎЗБЕКИСТОН – САУДИЯ АРАБИСТОНИ – 3:0

ЖЧ-2010 3-саралаш гуруҳ босқичининг иккинчи турида Ўзбекистон терма жамоаси ўз майдонида Саудия Арабиستони термасини қабул қилди. Ҳафтада Рауф Инилеев шогирдлари Осиё чемпионатидаги мағлубият аламини олишга эришди: номдор рақиб йирик 3:0 ҳисобида доғда қолдирилди.

Терма жамоамиз ўзининг чиройли ва тартибли ўйини билан миллионлаб футбол мухлисларини хушнуд этди. Биринчи бўлим сўнггида Темур Копадзе бурчақдан ошириб берилган тўпни боши билан дарвозага йўллади. 67-дақиқада терма жамоамиз сардори Максим Шацких ва Сервер Жепаров тўрт ҳимоячини доғда қолдириб, қулай вазият содир этишди. Саудияликлар дарвозабони билан деярли бирга-бир вазиятда чиқиб борган Максим тўпни дарвозанинг узоқ бурчагига жойлаб қўйди. Орадан 3 дақиқа ўтар-ўтмас яна Шацкихнинг ҳаракатлари эвазига рақиб ҳимоячиси ўз жарима майдони ичида тўпни қўли билан ўйнади. Белгиланган пеналтини Сервер голга айлантирди.

ЎЗБЕКИСТОН – САУДИЯ АРАБИСТОНИ – 3:0

Голлар: Т.Копадзе, 45; М.Шацких, 67; С.Жепаров, 70-пен.

Шундай қилиб, 2 ўйиндан 6 очко жамғарган терма жамоамиз гуруҳда пешқадамликни ўз қўлига олди.

«D» гуруҳининг иккинчи учрашуви:

СИНГАПУР – ЛИВАН – 2:0

Голлар: А.Дурич, 8; Ф.Шахул, 24.



“ДЎСТЛИК” КУБОГИ ҲАМ “ТШТ” ДА

Наврўз байрами кунлари Самарқанд шаҳрида “Дўстлик” кубоги учун футбол мусобақаси ташкиллаштирилди. Ушбу турнирда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг энг кучли жамоалари жамланди.

Соҳа ходимлари орасида футбол тобора оммалашиб бораётгани барчамизга маълум. Ҳаваскорлар ичидаги энг кучли жамоалар ҳам айнан алоқа соҳасида шаклланган. Бунга сабаб – алоқа ва ахборотлаштириш тизимида футбол катта эътибор қаратилаётгани ҳамда турли мусобақаларнинг юқори савияда ташкил этилаётганидир. Самарқанддаги “Дўстлик” кубоғига ҳам қизиқиш юқори бўлди. Чунки, бундай йирик мусобақалар шу пайтгача асосан пойтахт ёки Чирчиқ шаҳрида ташкиллаштирилиб келинаётганди. Республикамиз бўйлаб турли спорт иншоотларининг фойдаланишга топширилаётгани эндиликда йирик мусобақаларни ҳам вилоятларда ўтказиш имконини бермоқда. Бу эса жойларда ҳам спортнинг ушбу турини кенг тарғиб қилишга замин яратяпти.

Мусобақага тўхталадиган бўлсак, унда кучли саккиз жамоа ўзаро баҳс олиб борди. Ҳал қилувчи баҳсларга қадар Навоийнинг “Алоқабанк”, “Қорақалпоқ Телеком”, “Наманган Телеком” ҳамда “ТШТ” жамоалари етиб келишди.

Учинчи ўрин учун кечган баҳсда навоийликлар “Қорақалпоқ Телеком” жамоасига имконият қолдиришмади: Навоий “Алоқабанк” – “Қорақалпоқ Телеком” – 8:2. Финалда “Наманган Телеком” ҳамда “ТШТ” жамоалари ўзаро баҳс олиб боришди. Учрашуво давомида тактик ва техник тайёргарлиги юқори даражада эканлигини намоён қилган пойтахтлик алоқачилар яна бир совринли бўлишди:

“ТШТ” – “Наманган Телеком” – 5:1.

Мусобақа якунида “ТШТ” аъзолари “Дўстлик” кубоғи билан бирга ташкилий қўмитанинг қимматбаҳо совғаларига эга бўлди. Шунингдек, иккинчи ўринни эгаллаган “Наманган Телеком” ҳамда учинчи поғонадан жой олган Навоийнинг “Алоқабанк” жамоалари ҳам муносиб тақдирланишди. Маросимда сўз олган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Самарқанд вилоят худудий бошқармаси бошлиғи А.Шарофидинов кўрсатган чиройли ўйин учун жамоаларга ўз миннатдорчилигини билдирди. Ўз навбатида, жамоалар аъзолари ҳам ташкилотчиларга ушбу спорт байрамини уюштирганликлари учун ташаккур изҳор қилишди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали жамоаси филиалнинг ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи Азиз Аҳмеджоновга онаси **НАЗИРА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БАЙРАМ СПАРТАКИАДАСИ

Наманган шаҳрида Наврўз байрамига бағишлаб вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси аъзолари ишчи-ходимлари ўртасида спартакиада ўтказилди. Унда 200 нафардан ортиқ алоқачилар иштирок этишди.

Қизиқарли баҳсларга бой бўлган мусобақаларда куйидагиларга голиблик насиб этди: Волейбол бўйича (аёллар) — Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Наманган филиали жамоаси; Стол тенниси (аёллар) — Муҳаббат Қаюмова, Ўйчи почта алоқаси тармоғи;

Стол тенниси (эркаклар) — Расулжон Қирғизбоев, Чуст ТБ;

Шашка (аёллар) — Муҳайё Акрамова, шаҳар ТТС;

Шашка (эркаклар) — Абдукарим Холбоев, Тошбулоқ почта алоқаси тармоғи;

Шахмат (аёллар) — Нодира Носирова, Косонсой почта алоқаси тармоғи;

Шахмат бўйича (эркаклар) — Мурод Мамажанов, шаҳар ТТС ходими.

Мусобақанинг голиб ва совриндорлари вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан таъсис этилган эсдалик совғалари ва турли даражали дипломлар билан тақдирландилар.

Ю.ИШАНОВ,

вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

“Матбуот тарқатувчи” АК ходимлари ўртасида ҳам шахмат, шашка ва стол тенниси бўйича спорт мусобақалари ўтказилди. Компания касаба уюшма қўмитаси томонидан ташкил этилган спорт мусобақасида корхонанинг барча бўлимларидан ходимлар иштирок этишди.

Шахмат баҳсида Р.Жўраевга тенг келадигани топилмаган бўлса, шашкада биринчи ўрин Д.Қамбаровага насиб этди. К.Исроилов эса стол тенниси бўйича барчадан устунлигини исботлади.

Голибларга қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотларини “Матбуот тарқатувчи” АК бош директори С.Нажбидинов ва касаба уюшма қўмитаси раиси Ш.Йўлдошевлар топширишди.

О.МУЗАФФАРОВА,

“Матбуот тарқатувчи” АК ходими

Коллектив Центра электромагнитной совместимости выражает свои соболезнования ведущему инженеру ОТиРВ Яковлевой Валентине Ивановне в связи со смертью матери **ЯКОВЛЕВОЙ Марии Семеновны.**

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир: Абдусайд КЎЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

- Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
- Бахтиёр КУБЕЕВ
- Шомансур ОБИДУЖАЕВ
- Миродил САНГИЛОВ
- Шухрат СОДИҚОВ
- Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
- Асаджон ХЎЖАЕВ
- Рустам ҚОСИМОВ
- Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй. Тел.: 233-36-48; 236-35-29. Факс: 236-36-42. E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — Реклама матнларининг тўричилиги тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босяхонасида chop этилди. **Манзил:** Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

253-G сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 14725 нуска.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. **Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.** Матн тереви: **Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.**

Ахборот ҳамкоримиз: UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00. 1 2 3 4 5 6 8

INTERNET-PROVAYDERLAR

Тарғибот – иш юритиш ва бизнеснинг муваффақиятини таъминлашга асосий туртки бўладиган восита. Ишлаб чиқарётган маҳсулотингиз ёки кўрсатаётган хизматингизни аҳоли орасида тарғиб этмас экансиз, кўнгилдагидек натижага эриша олмайсиз. Айниқса, бугунги кучли рақобат шароитида маркетинг тизимини тўғри йўлга қўямасдан туриб, ривожланиш сари қадам ташлаб бўлмайди. Ушбу қоидага амал қилган корхоналар эса бошқаларга нисбатан сезиларли ютуқларга эришади. Шундай компаниялар қаторига TPS ("ТЕХНОПРОСИСТЕМ") интернет-сервис провайдерини ҳам киритиш мумкин.

TPS АҲОЛИНИНГ КЕНГ ҚАТЛАМИ УЧУН

Пойтахтимизда метрога тушган даярли ҳар бир кишининг эътиборини TPS интернет-карталари рекламаси ўзига жалб қилган бўлса, ажабмас. Ўзига хос шакл ва тариф режасига эга ушбу



интернет-карталар глобал тармоқ хизматларидан фойдаланувчиларнинг диққатини тортиши аниқ. Хўш, ушбу номдор провайдер бугунда ўз миқозларига қандай хизматларни таклиф этмоқда?

Мамлакатимизда телекоммуникация хизматлари бозорига юзага келган талабни қондириш мақсадида 2000 йили "ТЕХНОПРОСИСТЕМ" интернет-провайдерни ташкил этилди. Замонавий иш юритиш тартиби, янги технологияларнинг қўлланилиши, юқори ўсиш суръатлари ҳамда ишончли маркетинг сиёсати компанияни қисқа вақт ичида маълумотлар узатиш соҳасида етакчи операторлардан бирига айлантирди.

TPS ўз фаолиятини йўлга қўйиши билан доимий ўсиб бораётган бозор талабларига тезкор жавоб берган ҳолда кенг қўламдаги замонавий алоқа хизматларини кўрсата бошлади. Компания биринчилардан бўлиб:

- ташки алоқа каналларини эксплуатация қилишга рўхсат олди;
- Cisco Systemsнинг етакчи ускуналари базасида коммутацион боғланиш тизимини ташкил этди;
- ADSL/SDSL ажратилган линиялари бўйича юқори тезликда интернетга уланиш технологияларини қўллади;
- миқозлар орасида кенг шўхрат қозонган интернет-карталарни Ўзбекистон бозорига киритди;
- кабел тармоқлари қурилишини бошлади.

Бугунги кунда TPS глобал маълумотлар узатиш тармоғига юксак даражада ва юқори тезликда боғланиш хизматларини кўрсатиш учун зарурий техник ва интеллектуал салоҳиятга эга компания ҳисобланади.

Компания ҳам чакана, ҳам корпоратив бозорда фаол хизмат кўрсатишда. TPSнинг миқозлари қаторига саноат ва тижорат, хориж фирмалари вакилликлари, молия ва сўғурта компаниялари, шунингдек давлат ташкилотларини киритиш мумкин.

2005 йили Jet хизматининг йўлга қўйилиши жисмоний шахслар учун интернетга юқори тезликда уланиш борасида янги имкониятлар эшигини очиб берди. Jet — бу 64дан 512 кбит/сониягача тезликда интернетга уланиш хизматидир. Шунинг ўзидан ҳам керакли хулоса чиқарса бўлади. Энг асосийси, бу хизматда кўнгирак қилиб тармоққа уланишни кутиш тушунчаси мутлақо бегона. Компютерни ёқиниш билан интернетга улашиб, ишлайверасиз. Dial-Up тизими фойдаланувчилари бунинг қадрини яхши билишади. Телефон линияси орқали қайта-қайта тармоққа боғланишга ҳаракат қилиш, провайдернинг модем нуқталари банд бўлиб турганда унга уланолмай асаблар таранглашишни кўпчиликнинг бошбанд ўтган. Улангандан кейин интернетда ишлаётганингизда телефонингиз доимий банд бўлиб туриши ҳам сизни ва ён атрофдагиларингизни тинч қўймайди. Jet хизматида эса телефон бандлигига

барҳам берилди. Бир пайтнинг ўзида сиз ҳам интернетдан, ҳам телефон хизматида фойдаланаверасиз.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, интернет-карталар компаниянинг асосий маҳсулотларидан бири ҳисобланади. Интернет-карта — бу провайдер томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун тўловни амалга ошириш воситаси. Интернет-карталар глобал тармоқдан узиб-улалиш (Dial-Up) шаклида фойдаланувчи миқозлар учун мўлжалланган бўлиб, уни компания сайти орқали рўйхатдан ўтказган ҳолда интернет хизматида фойдаланиш мумкин. 10000 сўм қийматидаги карталар TPS миқозлари ўртасида кенг миқёсда ишлатилади. Мазкур қийматидаги карта тариф режасида мизожлар уч ой давомида соат 01:00дан 09:00гача интернетдан чекланмаган миқдорда фойдаланиш имконига эга бўлади. 15000 сўм қийматидаги карта тариф режасига ҳам кўпчилик катта қизиқиш билан қарайди. Бу тариф режасида бир ой давомида 18:00дан 09:00гача интернетдан чекланмаган миқдорда фойдаланиш мумкин.

TPS карталари, шунингдек, Jet ва "Mobile" хизматлари миқозларининг шахсий ҳисобларини тўлдириши учун ҳам мўлжалланган.

"Mobile" тариф режаси мамлакатимиз мобил алоқа операторлари дилерлари учун махсус жорий этилган. Ушбу тариф режаси ёрдамида мобил алоқа компаниялари, TPSнинг ички тармоғи ҳамда TAS-IX худудидаги маълумотлар ресурсига юқори тезликда ва паст нархларда уланиш имкони мавжуд.

Булардан ташқари, компания томонидан ADSL технологияси асосида хизмат кўрсатиладиган бир қатор тариф режалари ҳам амалга киритилган. Ушбу хизматлар оддий телефон линияси орқали кўрсатилса-да, телефоннинг бандлик муаммоси юзага келмайди.

TPS хизматларининг устунлик жиҳати юқори сифат ва ишончли сервис билан тавсифланади. TPSнинг Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида 400дан ортиқ дилерлик марказлари мавжуд. Миқозлар сони тобора ошиши муносабати билан компания ўз маълумотлар узатиш тармоғини доимий равишда кенгайтириб, мукаммаллаштириб бормоқда. Ташки алоқа каналлари кенглиги охириг вақтларда бир неча баробарга оширилди. Компания томонидан интернет тармоғига уланиш хизматлари учун тарифларини пасайтириш чоралари қўрилаётгани глобал тармоқдан аҳолининг кенг қатлами янада қулай нархларда фойдаланиши учун имкон яратмоқда. Компаниянинг ривожланиш режасидан келгусида ҳам маълумотлар узатиш тармоғини кенгайтириб бориш, мамлакатимиз аҳолисининг интернет тармоғидан фойдаланиши учун янада кенг қулайликларни тақдим этиш каби масалалар ўрин олган.

Лутфилло ТУРСУНОВ

КО'РИК-TANLOV

ЗУЛФИЯХОНИМ ИЗДОШЛАРИ



Халқимизнинг семимли шоираси Зулфияхоним назик таълиби шоира, шу билан бирга, ақлли ва зукко давлат ва сиёсат арбоби, меҳрибон она, вафо ва садоқат бобида эса мустаҳкам кўрғон эди. Юртимиз қизларида Зулфияхонимга хос ана шу бебаҳо фазилатларни шакллантириш, уларни оилага, юртга садоқатли инсонлар қилиб тарбиялаш мақсадида анъанавий "Зулфияхоним қизлари" кўрик-танлови ўтказилаётганлиги айни мудида бўлди. Энг қувончлиси, бундай кўрик-танловлар турли олий ўқув юртларида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилмоқда.

Тошкент ахборот технологиялари университетида бўлиб ўтган тадбир ҳам ана шундай тантана билан ўтказилди. Кўрик-танловни очар экан, ТАТУ Маънавият-тарғибот ишлари бўйича проректори Нейматилла Мўминов иштирокчи қизларга омад тилади.

Саҳнага кўтарилган танлов қатнашчилари — иқтисод ва бошқарув факултети талабаси Иродахон Қориева, телекоммуникация технологиялари факултети талабаси Мафтуна Асилова, радиоалоқа ва радиотехника факултетидан Навбахор Исमतова, ахборот технологиялари факултети талабаси Шаҳноза Туропова, иқтисод ва бошқарув факултетидан Сарвиноз Тўймуродовалар олқишлар билан кутиб олинди.

Талаба қизлар танловининг биринчи шarti бўйича ўзларини шеърий, саҳнавий усулларда таништирган бўлсалар, иккинчи шарт — бахру байт ижроси бўйича, айниқса, томошабинларни ҳайратда қолдиришди: майин товушда, ифодали ўқилган шеърий парчалар дилларга ором бағишлади. Пазандалик борасидаги мохирлик ва тезкорлик — учинчи шарт бўйича иштирокчилар ўзларининг нақадар тадбирли эканликларини намойиш этган бўлсалар, тўртинчи шарт бўйича дилрабо кўшиқ ва шўх рақслар, билмонлоглар ижро этилди.

Сўнгра ҳакамлар ҳайъатининг баҳолари эълон қилинди. Унга кўра, биринчи ўрин ўзининг ақлу заковати, чақонлиги, билимдонлиги билан барчанин олқишига сазовор бўлган Ирода ҚОРИЕВАга берилди. Барча иштирокчилар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

— Университетимизда ёшлар маънавиятини оширишга катта аҳамият берилмоқда, — дейди танлов ҳакамлар ҳайъати ҳамда олийгоҳ хотин-қизлар кўмитаси раиси Хулқардон Усмонова. — Бугун эрталаб университетимизда элимизнинг семимли санъаткори Муножот Йўлчиева концерт берган эди. Талабалар хонанданин кўшиқларини мириқиб тингладилар. Наврўз байрами ҳам катта тайёргарлик билан кутиб олинди. Биз, айниқса, қизларимизни оилага тайёрлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Муборак МИРКАМОЛОВА

Табриклаймиз!

"Бухоро Телеком" филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси кўмитаси жамоалари филиал техник хизмат кўрсатиш маркази етакчи муҳандиси Аҳмад БАҲРОНОВни 50 ёши билан самимий табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ, узок умр, оилавий бахт-саодат тилайди.

"Сурхондарё Телеком" филиалининг Олтинсой телекоммуникациялар боғламаси жамоаси боғлама ҳисобчиси Юлдуз МЕЛИМУРОВА ҳамда линия-кабел ҳўжалиги муҳандиси Мамаюсуф ЭРНИЕЗОВларни, филиалнинг Шеробод телекоммуникациялар боғламаси жамоаси эса миқозлар бўлими бошлиги Сайёрахон ТўРАЕВАни таваллуд топган кунлари билан муборакбод этади. Уларга узок умр, соғлиқ-омонлик, ишларига муваффақиятлар тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси кўмитаси жамоалари Кува туман почта алоқаси тармоғининг Тўрабоши бўлими бошлиги Ҳожирахон ТЕШАБОВЕВАни 55 ёшга тўлиши муносабати билан чин юракдан табриклайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, узок умр, фарзандлар роҳатини кўриб яшаш бахтини тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сирдарё филиали Бобўт туман почта алоқаси тармоғи жамоаси тармоқ раҳбари Сафарали ТОШҚУЛОВни таваллуд топган кун билан табриклаб, унга узок умр, сихат-саломатлик, ишларида омадлар тилайди.

